

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



“Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази”

**“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши тингловчиси
МАМАСИДИҚОВ АХРОРБЕК ШЕРАЛИ ЎҒЛИНИНГ**

**КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР
БЕРУВЧИ ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: К.О.Синдоров (ю.ф.д. проф)

Илмий маслаҳатчи: Б.Исмаилов (PhD)

ТОШКЕНТ – 2022

Мундарижа

| | |
|--|---------------|
| Кириш..... | 2-16 |
| 1-БОБ. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ | |
| 1.1-§. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар тушунчаси ва унинг юридик мақоми..... | 17-25 |
| 1.2-§. Ўзбекистон Республикасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг норматив асослари..... | 26-36 |
| 2-БОБ. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИНСТИТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ | |
| 2.1-§. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг ўзига хос жиҳатлари..... | 37-44 |
| 2.2-§. Хорижий мамлакатлар тажрибасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масалалари..... | 45-55 |
| 3-БОБ. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ | |
| 3.1-§. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ривожлантириш масалалари..... | 56-68 |
| 3.2-§. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ва янада такомиллаштириш масалалари..... | 69-76 |
| Хулоса..... | 77-86 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 87-96 |
| Иловалар | 97-108 |

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Коррупция – жамиятнинг барча соҳаларида турли кўриниш ва шаклларда пайдо бўладиган, муайян давлатда ҳукм сурадиган нормал бошқарув тизимини издан чиқарадиган, инсон ва фуқароларнинг ҳатто минимал ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига тўсқинлик қиладиган, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт барқарорлигини беқарорлаштирадиган, мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузига салбий таъсир кўрсатадиган, мамлакатдаги бизнес ва инвестицион муҳитнинг бузилишига олиб келадиган, қонунларнинг самарали ва таъсирчан механизмининг бир хилда ишлашини хавф остига қўядиган, жамиятни ҳар тарафлама исканжага оладиган кўп қиррали, соҳадаги ва қонунчиликдаги бўшлиқдан максимал фойдаланадиган даҳшатли иллат ҳисобланади.¹

Коррупция дунёнинг хоҳ ривожланган, хоҳ иқтисодий турғун мамлакати бўлсин унга ҳар тарафлама таъсир кўрсатмай қолмайди. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ХХ асрнинг бошида “коррупция дунё ҳамжамиятига йилига **80 млрд.** АҚШ доллари миқдоридан зарар келтирган”² бўлса, 2016 йилга келиб, дунёда яратилаётган ЯИМнинг **2,0 фоизини** пора ташкил этар экан³. Бу қарийб **1,5-2,0 трлн.** АҚШ доллари эквивалентига денг деганидир. БМТ Бош котиби Антониу Гуттерришнинг 2019 йил Иқтисодий форумда сўзлаган нутқида коррупцион жиноятлар оқибатида ҳар йили дунё иқтисодиёти **2.6 трлн.** АҚШ доллари миқдорда зарар кўраётганлиги, бу эса дунё ЯИМнинг **5 %** дан кўпроқ қисмини ташкил этишини таъкидлаб, барча давлат раҳбарлари ва халқаро ташкилотларни ушбу глобал офат билан муросасиз курашишга чақирди⁴. Ўзбекистон Республикаси Президент

¹ Graycar, Adam and Prenzler, Tim. *Understanding and Preventing Corruption*. Basingstoke: PalgraveMacmillan, 2013. doi: 10.1057/9781137335098, page 3.

² Спицнадель В.Б., Белова К.В. .коррупция: история и современность. – М., 2007 (anticorrupt.-ul.ru, <http://zakon.ru>, www.k2kapital.com, www.transparency.org, www.crime.vl.ru).

³ Қаранг: Қобилов Ш.Р. Причины возникновения коррупции и экономико-правовые меры противодействия ей. // SCIENCE AND WORLD. International scientific journal. 2016. №12 (40), YoI. II. –С 14.

⁴ un.org. Security Council SC/13493, 10 September 2018.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ўтган 2020 йилда турли даражадаги мансабдорлар томонидан **500 млрд сўм** миқдорда зарар етказилганини маълум қилди. Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, 2021 йилнинг беш ойида эса 1696 нафар мансабдорга нисбатан жиноий иш очилиб, етказилган зарар **450 млрд сўмни** ташкил этмоқда⁵.

Шунингдек, АҚШда коррупциянинг зарар келтириш кўлами бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлил қилинганда коррупциявий ҳолатлар туфайли йўқолган ва нотўғри сарфланган маблағлар мамлакатда агар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланганида **12 млн** киши қўшимча иш ўрни билан таъминланиши, шунингдек ишчи-хизматчиларнинг ўртача даромади **10 %** ошиши, ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши қўшимча **5 %** ортиши мумкинлиги аниқланган⁶.

Коррупциянинг бундай глобал ва локал миқёсидаги оқибатлари ҳақида дунё тажрибасидан кўплаб мисоллар келтириш орқали унинг кўз ўнгимизда қанчалик улкан даҳшатлиги ва ҳозирги вақтда ҳар бир давлатнинг кун тартибидаги асосий масала эканлиги билан ушбу долзарб муаммонинг умумий суръати янада аниқроқ тасвирланади.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, коррупцион ҳолат юз беришидан икки тараф ҳам ўзаро манфаатдор ва фойда кўрса-да, ушбу ноқонуний ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг бадалини бутун жамиятдаги инсонлар камбағаллашиш, ишсизлик, даромадларнинг тенгсизлиги, турмуш даражаси ва сифатининг тушуши ортидан тўлайди ҳамда бундай турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор бўлишнинг ягона механизми – таъсирчан жамоатчилик назорати ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан, халқаро даражадаги **PricewaterhouseCoopers** ташкилоти моддий ва иқтисодий зарар келитириб чиқарувчи жиноятлар статистикасига эътибор қаратган ҳолда, **19 %** коррупциявий ва фирибгарликка оид жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан

⁵ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/17/corruption/>

⁶ CRIME.VL.RU. Коррупция в России и мире

аниқланган бўлса, **43 %** ҳолатда хабар берувчи шахслар, фаол фуқаролар орқали аниқланишига, уларнинг жиноятларни олдини олишдаги ўрни бекиёс эканлигига урғу қаратадилар⁷. Хусусан, АҚШ Федерал кидирув бюросининг хабарларига кўра, коррупциявий ҳолатларнинг **34,2 фоизи** – мансабдор шахс ишлайдиган корхона ишчилари томонидан, **25,4 фоизи** бошқа гувоҳлар ва жабрланувчилар томонидан, **23,2 фоизи** – муассасанинг раҳбарлари тақдимномасига асосан, **19,2 фоизи** – тергов вақтидаги текширув чоғида, **12 фоизи** – назорат қилувчи органлар томонидан берилган хабарларга асосан аниқланган⁸. Бунга қўшимча равишда, 2004 йилда АҚШнинг Фирибгарликни сертификатлаш экспертизалари уюшмаси (АСФЕ) томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, унга кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар учун қулай хабар бериш каналлари ва хабар бериш тизимига эга бўлган ташкилотлар, бундай механизмларга эга бўлмаган ташкилотларга қараганда икки баробар коррупцияни олдини олишга билан боғлиқ ижобий рақамларга эришганлиги аниқланган. Шунга кўра, фирибгарликнинг тахминан энг катта қисми яъни, **40 %** хабар берувчилар томонидан, **24 %** ички текширувлар орқали, **21 %** ўрганишлар асосида, **18 %** ички назорат орқали, **11 %** ички аудит орқали аниқланган. Бундан мазкур масаланинг муҳим ва долзарблиги, хабар берувчи шахсларнинг келгуси меҳнат фаолиятлари ва яшаш тарзига қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини илмий жиҳатдан таҳлил қилган Bradley университетиде фаолият кўрсатувчи **Dr. Tanya Marcum** ва **Dr. Jacob Young**нинг ўрганишларига кўра, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг **69 %** келгусида ўз ишини йўқотади ёки ишдан кетишга мажбур қилинади, **64 %** хабар берувчилар эса бошқа ишга ўтган тақдирда ҳам “қора рўйхат”да туради⁹. Бу рақамлардан кўриниб турибдики,

⁷ <https://www.whistleblowers.org/the-importance-of-rewards/#:~:text=The%20presence%20of%20reward%20laws,fraud%20to%20the%20appropriate%20authorities.>

⁸ Қобилов Ш.Р. Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши ҳуқ-атворни шакллантириш: Дарслик / масъул муҳаррир Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021, 73-б

⁹ <https://www.whistleblowers.org/the-importance-of>

хуқуқбузарликлар ҳақида хабар қилган ҳар 100 та одамнинг 60 дан ортиғи ўзининг меҳнат ва шахсий ҳаётида салбий ўзгаришлар бўлишига мажбур қилинади ёки шундай таҳликали вазиятда қолиши хабар берувчиларнинг хуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни илмий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж борлигидан далолат беради.

Шу сабабдан коррупциявий хуқуқбузарликлар ҳақида маълумот беришнинг қулай, самарали ва аниқ механизмнинг бўлиши ушбу турдаги хуқуқбузарликларни олди олинишига, жиноий ҳолатларни тезроқ аниқланиши ва фош этилишига, унга сабаб бўлувчи шароитларни ўз вақтида бартараф этишга ва энг асосийси адолатли жазонинг муқаррарлигини руёбга чиқаришга, хабар берувчиларнинг хуқуқлари топталмаслигига хизмат қилади. Коррупциявий хуқуқбузарликларни фош этишда аҳоли ўртасида ушбу иллатга қарши муросасиз кайфият яратиш, мансабдор шахслар, уларнинг вакилларининг ҳисобдорлигини ошириш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, улар томонидан ҳар қандай фаолият амалга оширилаётганда жамоат иштирокини тўлиқ таъминлаш муҳим фактор эканлиги халқаро-хуқуқий стандартларда ҳам ўз аксини топган. Зеро, коррупциядек офат билан глобал даражада курашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясин қабул қилиниши халқаро ҳамжамият коррупцияни олдини олиш ва илдизини қуритишга дадиллик билан киришганлигидан далолат беради. Мазкур Конвенциянинг 13-моддасига кўра, ҳар бир иштирокчи Давлат ўз имкониятлари доирасида ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда жамият коррупция мавжудлиги, унинг сабаблари, хавфли ҳусусиятлари ва юзага келтирувчи таҳдидларни янада чуқурроқ англаши учун фуқаролик жамияти, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоалар негизида фаолият юритувчи ташкилотлар каби оммавий секторнинг ташқарисида алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг фаол иштирокига кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўради. Бу каби иштирокни коррупция

тўғрисида ахборотни излаш, олиш, эълон қилиш ва тарқатиш эркинлигини хурмат қилиш, рағбатлантириш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш орқали мустақкамлаш лозим бўлган чоралардан бири сифатида келтириб ўтилган¹⁰.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида коррупцияга қарши курашга оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, жаҳон стандартларида белгиланган талаб, тавсия ҳамда вазифаларни миллий қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда уларга мослаштиришга қаратилган самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири айнан “инсон қадрлари учун” шиори остида инсон қадр-қимматини олий даражага қўтариш ва тўла таъминлаш, жамиятда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз рўёбга чиқариш каби юксак ғояларга асосланган. Ушбу юксак мақсадларнинг туб моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган устувор вазифани “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”¹¹, деган бош тамойилга айлантирган ҳолда, 2017 – 2021 - йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 миндан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинган бўлса, шулардан коррупциявий омилларга йўл очиб бераётган, у келтириб чиқараётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган 30 га яқин қонун, 100 га яқин Президент ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди¹². Шунингдек, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти

¹⁰Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли Қарори)

¹¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил...”Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

¹²Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошевнинг нутқидан (Бош прокуратуранинг телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий каналидаги манба) [Электрон манба]. URL: <http://t.me.uzbprokuratura>.

институтлари, оммавий ахборот воситаларининг рўли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Ушбу соҳада амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси халқаро ноҳукумат ташкилот ҳисобланган “Transparency International” томонидан 2021 йил бўйича эълон қилинган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингда 6 ғоғона юқорилаб, 146 ўриндан (2020 йил.), 140 (2021 й.) ўринни эгаллади. Бу ҳолат коррупцияга қарши курашишга оид сиёсий ва ҳуқуқий механизмлар йўлга қўйилган 2017 йил (140-ўрин) билан солиштириганда, қисқа фурсат давомида мамлакатимиз шубу рейтингда 17 ғоғона юқорилаганини кўришимиз мумкин.¹³

Бизга маълумки, коррупцияга оид жиноятлар нафақат давлат органлари, ташкилотлар ҳамда муассасаларда, балки хусусий сектор доирасида ҳам содир бўлади. Мамлакатимиз миқёсида бу турдаги жиноятлар статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, хусусан, **2021 йилда 5483 нафар** шахсга нисбатан **3769 та** коррупциявий жиноят ишлари судларга юборилган (мос равишда 2020 йил давомида коррупция ҳолатларига оид 2203 нафар шахсга нисбатан 1457 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган.) Яъни судга юборилган жиноят ишлари ҳамда жавобгарликка тортилган шахслар сони ўртача **3 бараварга** кўпайган.¹⁴

Юқоридаги таҳлиллар асосида шуни айтиш мумкинки, коррупцияга қарши курашиш аҳволи бугунги тенденцияга жавоб бермаслиги ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ривожланган давлатлар амалиёти уйғунлигида коррупциявий хавфларни баҳолаш, уларни пайдо бўлиш нуқтасини аниқлаш, келтириб чиқарувчи омилларни ва шароитларни бартараф этиш, минималлаштиришга

¹³ [Электрон манба]. URL: <http://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш миллий Кенгаши Раиси Т. Норбоевнинг Кенгашининг 2022 йил 5 апрель йиғилишдаги нутқидан. [Электрон манба]. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/06/corruption/>

қаратилган янги профилактик чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда ва ҳаракат қилинмоқда.

Сўнги йилларда коррупциянинг давлат раҳбари сиёсий иродаси ўлароқ тан олинishi, бу йўналишда ҳам очиқликка имкон берилиши ва янги нафас кириб келиши натижасида коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий ва сиёсий қадам сифатида, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун¹⁵ қабул қилинди ва ушбу иллатга қарши курашнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Айнан ушбу қонунда биринчи бор коррупция, манфаатлар тўқнашуви, давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик фактлари тўғрисида хабар бериш мажбурияти, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масаласи эътироф этилди. Ушбу Қонуннинг 26-моддасида давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти белгиланган бўлса, 28-моддасида эса коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилишнинг умумий тартиби белгилаб қўйилди.

Юқоридаги қонунда белгиланган нормаларнинг ҳуқуқий механизмини тўлдириш, ижровий механизмни жорий қилиш мақсадида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг қисман таърифи, уларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш механизмини тартибга солиш, коррупцияга оид маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликлар тоифаларини аниқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрда “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сонли Қарори¹⁶ қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишда превентив механизмлардан бири бу коррупцияга оид ҳолатлар тўғрисида хабар бериш ҳисобланади. Юртимизда ушбу муносабатларга оид механизмларни янада такомиллаштириш ва оптималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони¹⁷ билан Коррупцияга қарши кураш бўйича 2021-2022-йилларга мўлжалланган Давлат Дастури қабул қилинди. Ушбу Дастурнинг 39-бандида фуқаролар томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини кенгайтириш масаласи чора-тадбирлар марказидан ўрин олган. Бундай тусдаги механизм ва чоралар эса халқаро-ҳуқуқий стандартлар, кўплаб хорижий мамлакатлар қонунчилиги амалиётида аллақачон батафсил равишда тартибга солинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясининг 37-моддасига¹⁸ кўра, ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон жиноий ҳатти-ҳаракатларда иштирок этаётган ёки иштирок этган шахсларни ваколатли органлар учун тергов ишларини олиб бориш ва исботлаш мақсадида фойдали бўлган маълумотларни тақдим этишга ва жиноятларни ва жиноий даромадлардан маҳрум қилишга ва бу каби даромадларни қайтариш бўйича чоралар кўрилишига кўмаклашувчи амалий ва аниқ ёрдам беришга

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2020 йил 31 декабрьдаги 829-сон Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/322/0481-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 июльдаги ПФ-6257-сонли Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)

¹⁸ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрьдаги 58/4-сонли Қарори)

рағбатлантиришни кўзда тутувчи тегишли чораларни кўриши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари ушбу Конвенциянинг 39-моддасида¹⁹ ҳар бир иштирокчи Давлат одатда ўзининг худудида истисқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов органлари ва прокуратура органларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларининг содир этилгани тўғрисида хабар беришларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқишлари лозимлиги қайд этилганлиги бу борада қилинажак ишларга ҳар бир давлат учун ўзига хос қўлланма вазифасини ўтайди.

Янги Ўзбекистон ҳам ҳозирги давр талаб қилувчи мазкур тенденцияларга ҳамоҳанг равишда Ҳаракатлар стратегиясида ўзига йўл қуриб олган ҳолда, кенг кўламли яқин истиқболдаги амалий режа ва мақсадларини ўзининг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида²⁰ белгилаб олди. Ҳамма соҳалар қатори миллий манфаатлардан келиб чиқиб ҳолда умумбашарий муаммолага ёндашиб, стратегиянинг 84-мақсади доирасида коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасида фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш каби мақсадлар давомий вазифа сифатида белгиланганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Тадқиқот объекти коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқларини комплекс ҳимоя қилиш, ушбу ҳимоя механизми янада такомиллаштириш,

¹⁹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли Қарори)

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январьдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон)

уни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни рағбатлантириш, муқобил ва оптимал хабар бериш каналларини жорий этиш ҳамда улар фаолиятини тартибга солишга қаратилган қоидалар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети коррупцивий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар билан ишлашни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллашга оид амалиётлар, мазкур соҳани тартибга солишда юқори кўрсаткичларга эришган айрим хорижий мамлакатлар ҳуқуқ тизими ва амалиёти ҳамда соҳани тадқиқ этишга қаратилган илмий ва концептуал ёндашувлар, қарашлар, тадқиқотлар, миллий ва халқаро-ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистонда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини тизимлаштириш, оптималлаштириш ва такомиллаштиришнинг илмий-назарий ҳамда ҳуқуқий жиҳатларини яратиш шунингдек, ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида ҳуқуқий нормаларни ривожлантиришга оид аниқ таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари, хабар беришга кўмаклашувчи бошқа шахсларга оид илмий тушунча ва категорияларнинг мазмунини ёритиб бериш, тегишли илмий таърифларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- коррупцияга оид ҳолатлар хусусида хабар бериш механизмининг тарихий ривожланиш босқичлари, коррупцивий хавфлар ва бу ҳақда хабар беришнинг ўзига хос тартиби (whistleblowing policy), коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари, хабар беришга кўмаклашувчи бошқа

шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси, коррупцияга оид ҳолатлар тўғрисида хабар бериш мажбурияти, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бермаганлик учун жавобгарлик масалалари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар хусусида хабар берган ва хабар беришга кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш чоралари;

- давлат ва хусусий сектор соҳасида коррупцияга оид ҳолатлар хусусида хабар беришга оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни комплекс тадқиқ қилиш ва улардаги ижобий тажрибаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан муайян таклифлар тайёрлаш;
- коррупцияга оид ҳолатлар тўғрисида хабар берувчи шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишни самарали жорий этиш бўйича ижобий ютуқларга эришган давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Япония, Сербия, Босния ва Герцеговина каби давлатлар мисолида) қонунчилик амалиётини ўрганиш ва уларни миллий қонунчиликка жорий этишнинг қулай жиҳатлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- юртимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари самарадорлигини ошириш ва уларни ҳуқуқий қиёфасини замонавий тенденцияларга мослаштириш, уларга назарий ва амалий баҳо бериш ва бошқа қатор вазифаларни ўз ичига олади.

Илмий янгилиги Ўзбекистонда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни тоифасини аниқлаштирувчи муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган, улар шартли равишда гуруҳларга бўлиниб тоифалаштирилган шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришга кўмаклашувчи шахсларнинг алоҳида таърифи ишлаб чиқилган бўлиб, диссертация доирасида уларнинг ҳуқуқбузарликлар шохиди бўлган гувоҳлардан фарқли томонлари очиб берилган. Шу билан бир қаторда, мазкур тадқиқот ишида нафақат коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки уларни рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар

томонлама халқаро стандардалар, илғор хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида илк бор комплекс тарзда илмий жиҳатдан ўрганилганлиги билан белгиланади.

Шу билан бирга тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчидан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари, хабар беришга кўмаклашувчи шахслар тоифаси ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг комплекс тизимини илмий-назарий асосларда шакллантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди;

иккинчидан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар билан ишлаш тизимини амалиётга татбиқ этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар;

учинчидан, хорижий мамлакатлар ва халқаро тусга эга ташкилотларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ва унга кўмаклашувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг мавжуд самарали намуналарининг таҳлили асосида давлат ва хусусий сектор фаолиятида жорий этиш мумкин бўлган моделлар юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

тўртинчидан, таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мақсадида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва унга кўмаклашувчи шахсларни рағбатлантириш ва хабар беришнинг янги каналларини жорий бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Хорижий мамлакатларда, асосан, АҚШ ва Европа давлатларининг олимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хабар бериш механизмининг

такомиллаштиришга доир кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, уларнинг аксарияти инглиз тилидаги манбалардан иборатлигининг сабаби мазкур йўналишдаги тизимли ишлар ушбу давлатлар ҳуқуқ тизимининг узок ўтмишга бориб тақалиши билан чамбарчас боғлиқ. Хорижий илмий адабиётлар орасида Graycar, Adam and Prenzler, Tim²¹ каби соҳа олимлари ва экспертларининг илмий изланишлари ва мақолаларида фуқаролик жамиятининг вакиллари сифатида жамоатчилик фаоллари, адвокатлар, ахборот таъминловчилар, танқидчилар, хабар берувчилар (whistleblowers)нинг коррупцияни бошқариш, коррупциявий хавфларни баҳолашда муҳим фактор ҳисобланиши, уларнинг умумий тавсифи ва коррупцияни олдини олишдаги ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

Бу ўринда эксперт Leslie Holmes “Corruption: A very short introduction” номли рисоласида келгуси истиқболда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий натижаларга эришмоқчи бўлган ҳар қандай давлат қилиши лозим бўлган муайян вазифалар қаторида улар фуқароларнинг коррупция ҳақида хабар беришларини рағбатлантиришга оид чораларни кўришлари шунингдек, коррупциявий факт тўғрисида аноним мурожаат қилишни жорий этиш ва хабар берувчилар, гувоҳларнинг ҳимоясини таъминлашга қаратилган схемалар ва каналларни такомиллаштириш лозимлиги ҳамда коррупция ҳақида хабар бериш сиёсати (whistleblowing policy) оид халқаро стандарларда тавсия этилган муайян давлатлар тажрибаларини алоҳида қайд этиб ўтади. Бундан ташқари, англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги кирувчи мамлакатларда мазкур йўналишдаги тадқиқотлар узок даврга бориб тақалиши сабабли J.Near ва M.Miceli., J. R. Beck, R. Calland G. Dehn каби олимларнинг бу соҳадаги қилган ишлари ва илмий янгиликлари нисбатан гловал ва қамрови жиҳатдан кенг масштабни ўз ичига олади.

²¹ Graycar, Adam and Prenzler, Tim. *Understanding and Preventing Corruption*. Basingstoke: Palgrave Macmillan, 2013. doi: 10.1057/9781137335098

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш соҳасида рус олимларидан Хрипченко С.Н.,²² Большаков А.П., Пупцева А.В.,²³ Чивирев И.Ю.,²⁴ Николайчик В.М.²⁵ каби тадқиқотчилар коррупциянинг умумий ҳолати, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг жинойт процессидаги ўрни, уларнинг ҳуқуқларини релизация қилишдаги, илмий қараш ва тушунчалардаги айрим муаммолар, хорижий мамлакатлар тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар қилинган бўлса, юртимизда ҳам сўнгги йилларда илм-фан, сўз эркинлиги ва сиёсий тизим ва қарашлар либераллашганлиги, коррупция давлат даражасида тан олинганлиги сабабли бу соҳада олимлар ва тадқиқотчилар томонидан қилинаётган ишлар кўпайиб бормоқда. Шу билан бирга айни вақтда, юртимизда коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш тизимига янги институт сифатида кириб келган комплаенс назорат, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи ва унга кўмаклашувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг илмий жиҳатлари қисман ўрганилган бўлиб, келгусида тадқиқ этиш заруратини вужудга келтирмоқда.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида тизимли-тузилмавий ёндашув, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, қиёсий-ҳуқуқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили, таҳлил этиш ва синтез қилиш, ҳуқуқий моделлаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар

²² Анализ Федерального закона “О государственной защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства”, Вестник ОГУ 3’2005

²³ Проблемы реализации защиты прав свидетелей и потерпевших в уголовном судопроизводстве // Современные проблемы науки и образования. – 2014. № 5. URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=14523> (дата обращения: 06.05.2020).

²⁴ CRIME.VL.RU. Коррупция в России и мире <https://cyberleninka.ru/search?q=%D0%A7%D0%B8%D0%B2%D0%B8%D1%80%D0%B5%D0%B2%20%D0%98%D0%B2%D0%B0%D0%BD%20%D0%AE%D1%80%D1%8C%D0%B5%D0%B2%D0%B8%D1%87&page>

²⁵ Правовое регулирование этики официальных лиц в США // США. Экономика. Политика. Идеология, - М., 1998. № 5. – С. 257.

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бугунги кундаги долзарб ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ таҳлил қилиш ҳамда ушбу тизимнинг илмий-назарий, ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу тадқиқот иши коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб аҳамиятини инобатга олган ҳолда бу йўналишни тадқиқот объектига айлантирган ўзбек тилидаги дастлабки илмий изланиш ҳисобланади. Ушбу тадқиқот натижаларининг амалаий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида давлат ва хусусий секторнинг айрим жабҳаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини таъминлаш механизмларини илғор хорижий тажриба ва халқаро-ҳуқуқий стандартларни миллий қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда интенсив намуналарни мослаштириш ва Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари базасини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради. Бунда мазкур тадқиқот натижаларининг амалаий аҳамияти соҳани тадқиқ этишга қаратилган илмий, назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда намоён бўлади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан бўлиб, мавзунини тадқиқ этиш мазмунан мос келади. Диссертация тузилиши кириш, 6 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил қилади. Мазкур тадқиқот ишининг мавзусига оид 100 дан ортиқ турли расмий ва илмий манбалардан фойдаланилди.

І БОБ. КОРРУПЦИЯВИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар тушунчаси ва унинг юридик мақоми

Коррупцияга қарши курашишга оид илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларининг на аниқ тоифасини нуқталаштиришда, на ҳукуматлар уларни қасос олишлардан ҳимоя қилиш учун лозим бўлган аниқ белгиланган ҳимоя чораларининг барча давлатлар учун умумий бўлган ягона ёндашуви мавжуд эмас. Мазкур тушунча биринчи марта расмий равишда 1970 йилларнинг бошларида ишлаб чиқилган ва ташкилий номувофиқлик, фирибгарлик, коррупция ва қонунга ёки одоб-ахлоқ стандартларида белгиланган нормаларга зид ҳаракатлар хусусида хабар берувчи шахслар (whistleblower) тушунчаси сифатида қабул қилинган²⁶. Баъзи манбаларда “whistleblower” атамаси АҚШлик ҳуқуқ намоёндаси **Ралф Недер** томонидан “информатор” (хабар берувчи) каби салбий атамани ижобий томонга ўзгариши учун ҳаракатнинг дебчаси сифатида ишлатила бошланганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми мураккаб схема сифатида ўз ичига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш, келиб тушган коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар билан ишлаш, хабар берувчи шахслар, хабар беришга кўмаклашган шахслар ва уларнинг оила-аъзоларини ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларга хабар бериш учун оптимал бўлган хабар бериш каналларини ташкил этиш, хабар берган шахсларни рағбатлантириш, шунингдек муайян вазиятларда эса шахсга маълум бўлган ҳуқуқбузарлик

²⁶ European Research Centre for Anti-Corruption and State-Building Hertie School of Governance. Whistleblower Protection Legislation and Corruption, Working Paper №. 52. Maria Chiara Vinciguerra, University of Cambridge. Berlin, November 2018. P-5

ҳолатлари хусусида хабар бериш мажбуриятини юклаш ҳамда хабар бермаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилашни ўз ичига олган катта жараён ҳисобланади.

Дастлабки вақтларда “whistleblower” тушунчаси айнан шу ном билан юритилмаган бўлса-да, худди шундай тусдаги фаолият **VII асрда** Англияда бошланган. Бугунги кунда одатда сохта даъволар тўғрисидаги ишларни назарда тутадиган “**қуи там**” атамаси латин тилидаги “*qui tam pro domino rege quam pro se ipso in hac parte sequitur*” иборасидан қисқартирилиб, “ўзи учун ҳам, Қирол учун ҳам жиноий иш қўзғатадиган” деб таржима қилинади. Замонавий дунёда қонуншунос ва қонун ташаббускорлари ушбу атамани ўз ҳукумат доиралари номидан коррупцияга ботган ташкилотларга қарши даъво қўзғатадиган жиноий хабарлар билан синоним сифатида қўллайдилар.²⁷

Юқорида таъкидланганидек, бутун дунё қонунчилик амалиётида хабар бериш тизмининг ягона стандартлашган тушунчаси мавжуд бўлмаса-да, илмий академик доирада **Near ва Miceli (1985)** томонидан ишлаб чиқилган, мазкур тушунчани қисман ёритиб берувчи таъриф мавжуд. Уларга кўра, хабар бериш амалиёти иш берувчиларнинг назорати остидаги ноқонуний ёки ахлоққа зид равишда ташкилотнинг (собиқ ва ҳозирги) аъзолари томонидан шахсларга ва ташкилотларга самарали ҳаракат қилишлари учун бу ҳаракатларни очиқлаш мақсадида қилинган ҳатти-ҳаракат сифатида баҳоланади²⁸. Бизнинг фикримизча, мазкур таърифдаги иш берувчининг назорати остидаги сўзи хабар бериш тизмининг очиқлиги ва адолатлилигига, хабар берувчи шахснинг адекватлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

²⁷ J. Randy Beck, The False Claims Act and the English Eradication of Qui Tam Legislation, 78 North Carolina LawReview 539 (March 2000)

²⁸ Janet Near and Marcia Miceli, “Organisational Dissidence: The Case of Whistleblowing “ (1985) 4 Journal of Business Ethics 1, 4; adopted by, eg, Brown, Whistleblowing in the Australian Public Sector, above n 1, 3; Marcia Miceli and Janet Near, Blowing the Whistle: the Organisational and Legal Implications for Companies and Employees (1992)

Шунингдек, бошқа олимлар **Calland** ва **Dehn** хабар бериш ҳолатини ҳозирги кунда ходимларга иш жойидаги қоидабузарлик ҳолатлари ҳақида огоҳлантиришнинг қулай танлов мавжудлигини ифодалаш учун фойдаланилиши ҳақида фикр билдирганлар²⁹. Фикримизча, бу қисқа таърифда асосий эътибор қулай хабар бериш каналларига қаратилгани ҳолда, хабар беришни кимлар кимларга нисбатан олиб бориши хусусида фикр билдирмаганлар.

Мазкур илмий тушунчалардан фойдаланган ҳолда Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳам “хабар бериш корхона, муассаса ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг амалдаги ва собиқ иш берувчиларнинг ноқонуний, нотўғри, хавфли ёки ахлоққа зид амалиётлари ҳақида маълумот етказиш” сифатида хусусий изоҳ берги ҳолда³⁰ асосий эътиборни халқаро ташкилотнинг иш хусусиятидан келиб чиқиб, фақатгина меҳнат ташкилотларида юзага келувчи ҳуқуқбузарликларга қаратади.

Бундан ташқари халқаро қонунчилик ҳужжатларида хабар бериш (whistle-blowing) ва хабар берувчи шахслар (whistle-blowers) тушунчасига таърифлар кенг доирада бериб ўтилган.

Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асоси ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясининг 33-моддасида ҳар бир иштирокчи Давлат ваколатли органларга мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар хусусида исталган далиллар тўғрисида ҳалол ва оқилона асосларга таянган ҳолда хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чораларни ўзининг ички ҳуқуқий тизимига киритиш имкониятларини кўриб чиқиши лозимлиги белгилаб қўйилган³¹.

²⁹ Richard Calland and Guy Dehn, “Introduction – Whistleblowing Around the World: the State of the Art”, in Richard Galland and Guy Dehn (eds) Whistleblowing Around the World: Law, Culture & Practice(2004) 9, see also, Bjorn Rohde-Liebenau, Whistleblowing Rules: Best Practice; Assesment and Revision of Rules Existing in EU Institutions (2006) European Parliament, 16.

³⁰ ILO Thesaurus, <http://ilo.multites.net>.

³¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли Қарори)

Коррупцияга оид фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик Конвенциясида (Европа Иттифоқи Шартномаси №. 174, 2003): “хабар берувчи ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик қилишда гумон қилиш учун етарли асосларга эга бўлган, шунингдек шубҳалар хусусида масъул шахсларга ва ваколатли органларга ишончли маълумот берувчи шахслар ҳисобланади”. Европа Кенгашининг (Европа Кенгаши, 2003) хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга доир тавсияномасида хабар берувчи шахс хоҳ у давлат секторида, хоҳ у хусусий секторда меҳнат муносабатлари доирасида жамоат манфаатларига зарар етказувчи хавф ёки таҳдид тўғрисида хабар берган ёки маълумотни ошкор қилган ҳар қандай шахс деб баҳоланиши белгилаб қўйилган. Фикримизча, Европа Кенгаши ва унинг қонунчилигида берилган таърифлар нисбатан аниқ ва фойдаланиш доираси кенглиги билан шунга ўхшаш бошқа ташкилотлар томонидан берилган тушунчалар ва изоҳлардан фарқ қилади.

Шунингдек, 2009 йил Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг Халқаро Бизнес Шартномаларида хорижий оммавий мансабдор шахсларнинг порахўрлигига қарши қўшимча тавсияларида (OECD 2009) хабар беришнинг аниқ таърифи келтирилмаган бўлса-да, лекин ушбу тавсияларда хабар берувчи ва қўмаклашувчи шахс кимлиги, уларни ҳимоя қилиш тушунчаси, яъни хусусий ёки давлат секторида фаолият юритувчи ходимлар коррупциявий фактлар тўғрисида ваколатли органларга ишончли ва асосли хабар берганлиги учун уларни камситиш ва интизомий чоралар қўлланишидан ҳимоялаш тушунчалари масалаларига чуқурроқ тўхталиб ўтадилар³².

Юқоридагиларга қўшимча равишда Ишдаги Оммавий Муаммо (PSAW) ва Очиқ Демократия Маслаҳат Маркази (ODAC) ходимларга ўз иш жойларидаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар, бошқарувчилар, ташкилот фаолияти билан боғлиқ, шунингдек раҳбарият ва жамоатчилик билан боғлиқ

³² Law and practices on protecting whistle-blowers in the public and financial services sectors / International Labour Office, Sectoral Policies Department – Geneva: ILO, 2019.

муаммоларни кўтариб чиқишга имконият ва танловлар мавжудлиги ҳақида умумий тушунтиришларга тўхталиб ўтадилар³³.

Юқорида берилган таъриф ва тушунчалар хабар бериш тизимининг бир қатор умумий ва асосий хусусиятларини очиб беради.

- у асосан меҳнат фаолияти доирасида ходимлар ва иш берувчиларга оид қоидабузарликларни очиш, олдини олиш билан боғлиқ;
- хабар бериш сиёсати шахсий ва бошқа моддий манфаатдорликдан кўра, кўпинча жамоат манфаатлари, шу билан бирга хавфсизлик, соғлиқ, экология, иқтисод ва тинчликка тўғридан тўғри хавфларни кўрсатишдан иборат;
- қоидабузарликлар қонун бузилиши, ахлоққа зид таъмагирлик, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатидан шахсий ва ғаразли мақсадларда фойдаланиши, соғлиқ ва тинчликка оид тартибларни бузиш, коррупция ва ҳатто баъзи ҳолатларда, нотўғри бошқарув кабиларни ўз ичига олади. Улар одатда, ташкилотдан ташқари шахсларга, умуман олганда, бутун жамиятга зарар етишига сабаб бўлади;
- ҳуқуқбузарликлар ички (ички шикоят каналлари орқали) ёки ташқи (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, парламент аъзоларига, оммавий ахборот воситаларига ёки манфаатдор томонларга) хабар бериш йўллари орқали берилиши мумкин.³⁴

Бундан ташқари илмий адабиётларда хабар берувчи шахсларнинг ахлоқий стандартлари, субъектлари ва мотивларини чиқариб ташлаб, кўпроқ эътибор хабарларнинг виждонан ва оқилона асосларда берилганлигига эътибор қаратилмоқда.

Хабар берувчи шахслар (whistleblowers) одатда, одамлар тушунчасида жамиятда ёмон обрўга эга бўлган ахборот тарқатувчи шахсларга (informers) тенглаштирилади. Эҳтимол, фикримизча, иккиси ўртасида энг муҳим фарқ маълумотни ошкор қилган шахснинг жавобгарлиги сифатида қаралади. Бундай дейилишига сабаб, ахборот тарқатувчи шахслар (informers)

³³ <http://www.pcaw.co.uk>.

³⁴ U4 Expert Answer. Good Practice in Whistleblowing Protection Legislation (WPL). P 3.

Ўзлари кўпинча ахлоққа зид ҳаракатлар билан шуғулланадилар ва маълумотни ошкор қилишдан ўз жавобгарлигини ихтиёрий ёки мажбурлаш туфайли камайтириш воситаси сифатида фойдаланадилар. Улар маълумотларни ошкор қилган ва уларни буюруқларини бажариши ёки санкциялари билан тўқнаш келиши шарт бўлган орган ёки шахсларга нисбатан тобе позицияда бўладилар³⁵. Мазкур вазиятга ўзининг қисқача фикрини билдирган **Александра Натапофф**, бу ерда асосий эътибор нафақат маълумот тарқатувчи шахснинг мураккаб ахлоқий ҳолати ва сотқинликлари, балки ҳатто унинг гувоҳ сифатидаги шубҳали қийматига қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Бу маълумот тарқатувчи шахсларни уларнинг қилган жиноятлари учун кечириш орқали рағбатлантиришнинг махсус ҳуқуқни қўллаш амалиётининг натижалари ва маъносини англатади. Бу маълумот тарқатувчилар ўртасида ахборот алмашилиш жавобгарлигини таъминлайди ва ҳукумат шу билан жинойий ҳийла-найрангнинг бошқа жиноятлар учун кечириш орқали мукофотланишнинг мукофотланмайдиган шаклларида қисман ажратиб туради³⁶.

Бундан ташқари илмий адабиётларда яна бир фарқ сифатида шу нарса қараладики, маълумот тарқатувчилар (informers) муайян ҳолатни ошкор қилганликлари учун фойда ёки мукофот қидирадилар. Аксарият ҳолларда, хабар берувчи шахслар (whistleblowers) маълумотларни ошкор қилганликлари учун ўзларининг мақомини сақлаб қолишдан ташқари ҳеч қандай манфаат талаб қилмайдилар. Бироқ, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунларнинг бир нечтаси бундай маълумотларни ошкор қилганликлари учун суд натижасида ундирилган пулнинг бир қисмидан мукофотлар беришга имкон беради³⁷. Юқоридагиларга қўшимча равишда фикримизча, хабар беришнинг (whistleblower) қонунчилик тизими

³⁵ Whistleblowing: International Standards and Developments, February 2011, David Banisar.

<http://www.researchgate.net/publication/228124587>

³⁶ Natapoff, Snitching: The Institutional and Communal Consequences, 73 Cincinnati Law Rev. 645 (2004)

³⁷ Whistleblowing: International Standards and Developments, February 2011, David Banisar.

<http://www.researchgate.net/publication/228124587>

гувоҳларни ҳимоя қилиш сиёсати ва қонунларидан фарқланиши керак. Чунки иккаласи ўртасида муайян фуқаронинг шахсига оид маълумотларни сир сақланишига ваъда беришда биров ўхшашлик мавжуд бўлса-да, гувоҳларни ҳимоя қилиш анча жиддий масала бўлиб, ўз ичига жиной вазиятларда уларга ҳимоя таъминланмагунча гувоҳлик бермайдиган шахсларнинг жисмоний ҳимоясини таъминлашни олиши гувоҳликни таъминлашга қаратилган моделларда ҳам алоҳида қайд этилган³⁸. Бошқа томондан олиб қараганда, хабар бериш тизими (whistleblowing) шахснинг иш жойидаги кариераси ва манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Хабар беришда асосий эътибор шахс маълумотни қандай ошкор қилганлигига эмас, ушбу маълумотнинг ўзигагина қаратилади. Кўпинча, улар гувоҳ бўлишни сўрамайдилар лекин хабар ошкор қилингандан сўнг, улар шунчаки кузатувчи сифатида баҳоланади³⁹.

Хулоса ўрнида юқоридаги тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларни таҳлил қилиб, хабар берувчиларнинг (whistleblower) муҳимлигини шу билан изоҳлаш мумкинки, улар кўпинча жамият ҳаёти учун муҳим бўлган маълумотларни ошкор қиладилар. Масалан, Хитойда Ҳукумат томонидан ошкор этилмаслиги тўғрисида буйруқ берилганидан кейин доктор Жианг Янгёнг SARS вирусининг тарқалиши ҳақидаги маълумотларни ошкор қилган ва эҳтимолий миллионлаб одамларнинг ҳаёти сақлани қолинган⁴⁰. Шунингдек, маълумотарни ошкор қилиш ҳолатлари сиёсий жавобгарликни таъминлаш учун зарурдир. Аллан Кутлер, канадалик бюрократ, 2006 йилги сайловларда мағлубиятга олиб келган ҳомийлик бадалларида ноқонуний ишлатилган давлат малағларининг фирибгарликлари тўғрисидаги

³⁸ See e.g. UNDCP Model Witness Protection Bill, 2000. http://www.unodc.org/pdf/lap_witness-protection_2000.pdf

³⁹ Whistleblowing: International Standards and Developments, February 2011, David Banisar. <http://www.researchgate.net/publication/228124587>

⁴⁰ See Robin Van Den Hende, Jiang Yamong and SARS, in Calland and Dehn, Whistleblowing Around the World: Law Culture and Practice, ODAC and PCAW, 2004.

шубхаларни ошкор этди⁴¹. Бу билан улар жамиятга ўзга хос ойна вазифасини ўтаб бердилар.

Шунга алоҳида урғу бериш жоизки, хабар бериш тизими ички бошқарувни яхшилашни хоҳлайдиган ташкилотлар учун фойдали ҳисобланади. Ҳодимлар одатда, муаммолар ҳақида биринчи бўлиб билишади ва хабар бериш иш берувчилар учун бирор ҳолат назоратга олинишидан олдин нима нотўғрилиги ва тўғриланиши кераклиги ҳусусида “эрта огоҳлантириш белгиси” бўлиб хизмат қилади дейиш мумкин. 2002 йил КПМГнинг Австралия ва Янги Зелландиядаги фирибгарликка оид ҳисоботида фирибгарликка оид ҳолатларнинг 25 фоизи ҳодимлар томонидан содир этилганлиги баён этилган⁴². 2005 йил КПМГнинг Африкадаги тадқиқотида фирибгарликка оид жиноятларнинг 44 фоизи хабар берувчи шахслардан олинган маълумотлар асосида фош этилгангининг⁴³ ўзи фикримизнинг исботи ҳисобланади.

Шунингдек, фикримизча, хабар берувчиларга оид қонунларнинг туб мазмун-моҳиятига қараганда бундай тусдаги муносабатлар бевосита инсонларнинг шахси, дахлсизлиги, уларнинг меҳнат фаолиятларининг кафолатлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиши, шу билан бирга улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўлланиладиган хавфсизлик чоралари шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда, хабар берувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив асослар қандайдир кўрсатма, меъёрий ҳужжатлар билан эмас, балки қонун даражасида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунинг билан мазкур турдаги қонунларнинг мақсади ҳар хил жанжалкашлар, жамоат тартибини бузувчилар, рағбатлантириш механизмидан сунъий равишда фойдаланувчи, мазкур фаолиятни ўзига касб қилиб олган ҳар қандай шахсларни эмас, балки

⁴¹ See Commission of Inquiry into the Sponsorship Program (Gomery Commission) Chapter VII: Audits and Investigations. http://www.gomery.ca/en/phase1report/ffr/FF_Chapter%207_v01.pdf

⁴² Cited in Scholtens, Review of the Operation of the Protected Disclosures Act – Report to the Minister of the State Services (NZ), December 2003 at 3.31. (NZReview)

⁴³ KPMG Forensic Africa, Africa Fraud and Misconduct Survey 2005.

виждонан, ҳалол ва оқилона асосларга эга коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариши даркор.

Қўшимча равишда мазкур қонунлар муайян ташкилотда коррупциявий хавфлар аниқланса, ходимлар ўз фикрларини иш берувчи ёки масъул ички хизмат вакилига берса-да, етарли натижа бўлмаган тақдирда маълумотларни полиция, оммавий ахборот воситалари ёки парламент аъзоси орқали ошкор қилган ходимнинг ҳам ҳимоясини таъминлаши зарур.

Юқоридагиларни хулоса қилган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, фикримизча, хабар берувчи шахсларни алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилаш, мазкур тушунчага халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертлар томонидан берилган таърифларни ўрганиб, хабар берувчи шахсларни шартли равишда қўйидаги турларга бўлиш улар мазмунини янада ёрқин очиб беришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

I) ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ички хабар бериш каналлари орқали маълумот берган хабар берувчи шахслар:

- 1) шахсинг бевосита ўзи коррупциявий ҳуқуқбузарликдан жабр чеккан;
- 2) мазкур ноқоқонуний ҳаракатнинг (ҳаракатсизлик) гувоҳи бўлган;

II) ташқи хабар бериш каналлари орқали маълумот берган хабар берувчи шахслар:

- 1) маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, оммавий ахборот воситалари, блоггерлар ёки парламент аъзоси орқали маълумот берган хабар берувчи шахслар;
- 2) ишонч телефонлари орқали маълумот берган хабар берувчи шахслар;

III) юридик шахс мақомига эга бўлган органлар орқали хабар берувчи ташкилотлар:

- 1) хорижий давлат ваколатли органининг мансабдор шахси ҳамда ваколатли вакиллари орқали маълумот берган хабар берувчи шахслар;
- 2) фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали маълумот берган хабар берувчи шахслар;

1.2. Ўзбекистон Республикасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар хақида хабар берувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг норматив асослари

Айни даврдаги қонунчилик тендециясида ҳуқуқбузарликлар хақида хабар беришга оид қонун ҳужжатлари очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, жавобгарлик ҳиссини уйғотиш, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини тўла рўёбга чиқариш, адолатли давлат бошқарувини амалга ошириш учун фақатгина демократик давлатларда ҳақиқий маънода ишламоқда ва ҳуқуқлари таъминланмоқда. Хабар берувчи шахслар ёпиқлик, кўрқув, катағон ва куч билан бошқариладиган, қонун устуворлиги йўқ бўлган диктаторлик тизимларида яшаши мумкин бўлган коррупция, порахўрлик ва яқин қариндошларни ҳомийлик алоқалари орқали қўллаб-қувватланишига оид ахлоққа зид ҳаракатларни фош этишни ва бундай тартибларга барҳам беришни хоҳлашади⁴⁴. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар, уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқларини таъминлашга оид қонунлар маданият тушунчаси билан янада яққолроқ кўриниши мумкин. Чунки бундай қонунлар меҳмондўстлик ришталари мустаҳкам бўлган муҳитда кўп яшамайди ва унинг самарадорлиги ҳам паст кўрсаткичда намоён бўлади⁴⁵. Хабар берувчиларга оид миллий нормативлар сўзсиз таъминланишининг олд шарти қонун устуворлиги, шу жумладан мустақил ҳуқуқ ва суд тизимини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ягона қонунчилик амалиётини жорий этиш, умумий механизмнинг ҳуқуқий асоси сифатида норматив ҳуқуқий-ҳужжатнинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги муносабатларни тартибга солувчи дастлабки қадам деб эътироф этишимиз лозим.

⁴⁴ Estanislao Oziwicz, "Polonium is Costly, Undetectable, Trillion Times More Toxic than Cyanide", globeandmail.com, 2 December 2006 www.theglobendmail.com at 8 September 2008

⁴⁵ William de Maria, "Whistleblower Protection: is Africa Ready? (2005) 25(3) Public Administration and Development 217, 224: "In countries experiencing human rights violations the more suitable strategies may well be secret reporting, armed struggle, street protests and subversive action".

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни мамлакатимиз қонунчилик тизими учун нисбатан янги ижтимоий муносабатларни тартибга солганлиги учун мазкур Қонунда коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабар берган ёки хабар беришга кўмаклашган шахсларни ҳимоя қилишнинг тўлиқ бўлмаса-да, дастлабки нормалари белгилаб қўйилди. Жумладан, ушбу Қонуннинг⁴⁶ 26-моддасига кўра давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳолатлар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай фактлари тўғрисида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиши шартлиги эътироф этилди. Мазкур моддада назарда тутилган мажбуриятнинг давлат органлари ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 28-моддасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахслар давлат ҳимоясида бўлиши, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустаснолиги, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бераётган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши қайд этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлиши эътибордан четда қолмаган.

Юқорида коррупцияга қарши курашишнинг базавий қонунида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг давлат сиёсати, ушбу

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси “коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

сийёсатни амалга оширувчи ваколатли органлар, шунингдек коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабар бериш мажбурияти ва хабар берувчи ва хабар беришга кўмаклашувчи шахслар ҳимоясининг ташкилий асослари белгиланган бўлса, мазкур шахсларни рағбатлантириш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон Қарори билан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби, асослари ва турларини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тартибини назарда тутувчи коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом⁴⁷ тасдиқланган.

Мазкур Низомда рағбатлантириш бир марталик **пул мукофоти, ташаккурнома** ёки **эсдалик совға** шаклида берилиши белгилаб қўйилган.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;

б) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида;

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/322/0481-сон)

оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

в) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун-базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида;

г) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлса, қуйидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

анча миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн беш фоизи миқдорида;

кўп ёки жуда кўп миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн фоизи миқдорида.

Бунда пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматини фоизларда ҳисоблашда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорнинг энг кам миқдоридан келиб чиқилади;

д) қидирувда бўлган шахснинг яширинган жойи ҳақида хабар берганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, икки ёки ундан ортиқ қидирувда бўлган шахсларнинг яширинган жойи ҳақида бир

вақтда хабар берганлиги учун эса — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги норматив асосдан ташқари, умуман, ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берганлик учун рағбатлантиришни назарда тутувчи бошқа меъёрий актлар ҳам муайян муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 сентябрда тасдиқланган 747-сон Қарори билан тасдиқланган жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар шунингдек, видеокузатув ва тасвирга олиш техника вочиталари ҳамда мобиль қурилмалар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом⁴⁸ асосида 2019 йил 1 июльдан бошлаб ҳуқуқбузарлик ҳолатлари акс эттирилган видеоёзувларни ваколатли органларга юборган шахслар ҳуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилиши белгилаб қўйилган. Бу ҳолат жамоатчилик ўртасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлиб, уларга нисбатан аҳоли ўртасида салбий қараш шаклланди. Лекин шундай бўлса-да, бу ҳолат ҳам йўл қоидалари бузилишини олдини олиш билан бир қаторда, коррупциявий хавфларни камайтиришга ҳисса қўшади.

Йўл ҳаракати қоидаларини жамоатчилик назорати орқали тартибга солишга ҳаракатлар ортидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сон қарорининг

48 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 09/18/747/1950-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 12.11.2020 й., 09/20/713/1504-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.04.2022 й., 07/22/190/0268-сон, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 255-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан махсус дастур орқали солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида солиқ органларини хабардор қилган жисмоний шахсларга пул мукофоти тўлаш тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган жисмоний шахс оладиган бир марталик пул мукофоти солиқ ҳуқуқбузарликлари учун белгиланган жарималарнинг 20 фоизи миқдоридан белгиланади⁴⁹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган учинчи шахсларни жамият томонидан “**чақимчи**” ёки “**қулоқ**” деб қаралиши ва уларга нисбатан самосуд ҳолатлари содир этилиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Чунки жамият бундай тартибларни, қоидаларни, хабар бериш амалиётини рағбатлантириш орқали “бизнес”га айлантirmoқчи бўлган бошқа шахслардан фарқлай олмас экан, ҳуқуқбузарликлар, ахлоққа зид ҳаракатлар ва ошкораликка нисбатан қарашлар пасайиб, қонунсизлик ва тартибсизлик авж олиб, жамият тараққиёти заволга юз тутаверади. Зеро, О. Бисмарк айтганидек: “Ҳар бир давлатда прагматик тарздаги қонунлар қабул қилиниши мумкин, лекин улар фуқароларнинг менталитети, ҳуқуқий маданияти даражасида амалга оширилади”. Бизнинг фикримизча, мамлакатда айнан жамоатчилик назорати жамиятнинг ўз аксига ойна тутиб, унинг қай ҳолатда эканлиги, қай даражага етганлиги ҳақида адолатли маълумот беролади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 255-сон Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон)

829-сон Қарори ижросини таъминлаш чораси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 30 сентябрда 251-сонли соҳавий Буйруғига илова тарзида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссиялар тўғрисида Низом тасдиқланган⁵⁰. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳузурида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Юқоридаги норматив ҳужжат ва махсус ҳуқуқий тусдаги актларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга доир умумий нормалар ва рағбатлантиришнинг қисман кўринишлари белгилаб ўтилган десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси берган маълумотларни илмий жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, **2021 йил** ва жорий йилнинг **3 ойида** жами **46 нафар** шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашганлиги сабабли рағбатлантирилган.

Рағбатлантирилган шахсларнинг берган хабарларига кўра **42 та** ҳолатда пора олиш ва **4 та** ҳолатда бюджет маблағларини жуда кўп миқдордаги қийматда талон-тарож қилиш жиноятлари фoш этилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 30 сентябрда “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш ҳақида” 251-сонли Буйруғи

Рағбатлантирилган шахсларнинг **23 нафарига** ташаккурнома, **21 нафарига** пул мукофоти ва **2 нафарига** эсдалик совғаси топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом”да коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, бироқ амалиётда Давлат бюджети параметрларида мазкур ҳолатларни рағбатлантириш учун пул маблағлари алоҳида кўрсатилмаётганлиги сабабли бюджетдан маблағ ажратилиши ва тегишли шахсларга пул маблағлари тўлаб берилишида айрим муаммолар юзага келмоқда. Бу бўшлиқ ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, нафақат коррупциявий балки бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни ваколатли органларга мурожаат қилишларига рағбатни пасайтириб юбориши мумкин. Шу сабабли коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришнинг аниқ молиявий манбасини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур камчиликлар сабаб Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги ҳисоботларига асосан унинг 14.7-тавсиясида⁵¹ тўпланган статистик маълумотлар йўқлиги сабабли, кузатув гуруҳи ушбу қоидалар амалда қўлланилаш ёки қўлланилмаслиги хусусида ягона тўхтамга кела олмаганлиги, шунингдек “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан 14.7-тавсия қисман расмий равишда бажарилган бўлса-да, уларда белгиланган нормалар

⁵¹ [Электрон манба]. http://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring_Report-2019-RUS.pdf

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар хусусида хабар берувчи шахсларни ҳимоясини етарли даражада таъминлай олмаганлиги, ушбу механизмни янада такомиллаштириш, камчиликларни тўлдириш учун мос тавсиялар алоҳида қайд этиб ўтилган.

Юқоридаги адекват тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш тизимининг самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб этиш ва коррупцияга нисбатан аҳоли ўртасида муросасиз кайфиятни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июльда ПФ-6257-сон Фармони⁵² эълон қилинди. Ушбу Фармонга Илова сифатида коррупцияга қарши кураш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат Дастурида юқоридаги таъкидланган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириб, тўртинчи раунд натижалари бўйича Ўзбекистонга берилган тавсияларни таҳлил қилиб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан ҳолда 2021-2022 йилларда бешинчи раунд мониторинги амалга оширилиши бўйича амалий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бундан ташқари ушбу Фармон билан тасдиқланган коррупцияга қарши кураш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури доирасида

⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6257-сон (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)

фуқаролар томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини кенгайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузурида 2021 йил 1 сентябрдан фуқароларнинг коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини берувчи доимий фаолият юритадиган “Салл марказ” ишга туширилди.

Шу ўринда қонунчилигимизда давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар қилиш мажбурияти юклатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 241-моддасида тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш — базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган бўлса-да, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бермаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарлик назарда тутилмаган. Фикримизча, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бермаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий жавобгарлик назарда тутувчи нормани киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги жиноят тўғрисида хабар берганлик учун ҳимоя билан таъминлашни назарда тутувчи қонуннинг мақсади сифатида жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларини

ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги белгиланган. Лекин, мазкур қонун фақатгина жиноят иши қўзғатилгандан сўнггина жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиши мумкин. Юқорида келтирилган назарийётчи олимларнинг фикрини таҳлил қилган ҳолда, гувоҳлар ва хабар берувчи шахслар жиноят процессида алоҳида мақомга эга бўлиши лозимлигини, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлишини кафолатловчи алоҳида норма борлигини инобатга инобатга олган ҳолда, фикримизча, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари алоҳида тоифа сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида акс этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

II БОБ. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

2.1. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг ўзига хос жиҳатлари

Хабар берувчи шахслар коррупция, фирибгарлик, ноқонуний бошқарув, жамоат саломатлиги ва хавфсизлиги, молиявий шаффофлик, инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳит, қонун устуворлигига таҳдид каби ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай ноҳўя ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш орқали хабар берувчи шахслар сон-саноксиз инсонлар ҳаётини ва жамоат фондидаги миллионлаб маблағларни шунингдек, пайдо бўлиши мумкин бўлган жанжалларни ва ёмон оқибатларга сабаб бўлувчи фалокатларни олдини олишга ёрдам беради⁵³. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хабар берувчи шахслар кўпинча катта шахсий хавфни ўз бўйниларига оладилар. Улар ишдан бўшатилиши, судда жавобгарликка тортилиши, қора рўйхатга киритилиши, қамоққа олиниши, кўрқитилиши, ҳужм қилиниши ёки ўлдирилиши мумкин.

Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тизими муҳимлигини тан оладиган ва дунё мамлакатларидан очиқликка оид маълумот берган шахсларни ҳимоя қиладиган ва миллий қонунларни мослаштиришга ундайдиган, хабар берувчи шахсларни рағбатлантириш тизимини янада кенг тарғиб қилаётган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ортиб бормоқда. Ушбу шартнома, халқаро стандартлар ва келишувларнинг кўпчилиги нафақат коррупцияга қарши кураш соҳасида, балки ҳақиқий сўз эркинлигини рўёбга чиқариш, давлатни яхши бошқарув (good governance) тамойиллари асосида ривожлантирилишини таъминлашга қаратилгандир. Хабар берувчилар ва умуман хабар бериш тизимини жорий этиш, мазкур

⁵³ Whistleblower protection and the UN Convention against corruption /2013 Transparency International, www.transparency.org

турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда ушбу тизимга алоқадор давлатлар сиёсатини комплекс такомиллаштиришга доир энг муҳим ҳужжатлар халқаро доирада қабул қилинган:

- Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка конвенцияси”
- Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларга ёки Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси
- Иқтисодий Ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси
- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси
- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябрда “Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси
- 2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси
- БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш” Конвенцияси
- МДҲ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрда “Коррупцияга қарши сиёсатинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги ҳар бир минтақада локал халқаро ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳам коррупциянинг жамият ривожланишига қарши қаратилган иллат сифатида унинг қанчалик хатарли ва кенг кўламли эканлигини, мазкур иллат трансмиллий жиноятлардан бири сифатида битта ёки бир неча давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ўзигина масъул бўлиб, уни бутун дунёдан йўқ

килолмаслигини, унга қарши ҳар бир давлат, ҳар бир инсон аввало, ўзи курашиши лозимлигини кўрсатади⁵⁴.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси⁵⁵ эса коррупцияга қарши курашнинг халқаро миқёсидаги базавий асоси ҳисобланади. Унинг 32-моддасида ҳар бир иштирокчи Давлат ўз қонунчилигининг ички тизимига мувофиқ ва ўз ички имкониятлари чегарасида мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатлар муносабати билан кўрсатмалар бераётган гувоҳлар ва экспертларга нисбатан, тегишли ҳолатларда уларнинг қариндошлари ва уларга яқин бўлган бошқа одамларга нисбатан бўлиши эҳтимол тутилган ўч ёки дўқ-пўписалардан самарали ҳимоя қилишни таъминловчи тегишли чораларни кўришлари белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, асосийси “Маълумот берувчи шахсларни ҳимоя қилиш” деб номланган 33-моддага кўра ҳар бир иштирокчи Давлат ваколатли органларга мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатлар хусусида исталган далиллар тўғрисида ҳалол ва оқилона асосларга таянган ҳолда хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чораларни ўзининг ички ҳуқуқий тизимига киритиш имкониятларини кўриб чиқиши лозимлиги қайд қилинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотик ва Жиноятчиликка қарши бошқармасининг “Коррупцияга қарши кураш воситалари тўплами”да таъкидланишича, Конвенциянинг 33-моддаси аввал илгари сурилган Трансмиллий Уюшган Жиноятчиликка қарши 2000 йилда қабул қилинган Конвенциясига ўхшаб фақатгина гувоҳ ва экспертларни ҳимоя қилишга қаратилган. “Коррупцияга қарши кураш воситалари тўплами” эса нисбатан мукамалроқ тузилган бўлиб, хабар бериш тизими ва хабар берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш,

⁵⁴ Умаров У.А. коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жамият тараққиётинг – кафолати. Ўзбекистон Нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини тизимли ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш” Комиссияси, 2019 йил, 8-9-бетлар.

⁵⁵ UN Convention on Anti-Corruption.

компенция бериш, шикоятларни қабул қилиш бўйича омбудсман институтлар ва ишонч телефонларини яратиш, тухмат ва махфий келишувларни такомиллаштириш, ёлғон хабар берганлик ёки хабар бермаганлик учун жавобгарликка оид ҳуқуқий ва маъмурий тавсияларни ўз ичига олади⁵⁶.

Бугунги кунга келиб, коррупцияга қарши кураши Конвенцияни ратификация қилган бир неча давлатларгина хабар берувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир кенг қамровли қонунларни қабул қилган бўлсалар, бошқа баъзи давлатлар муайян доирадаги чекланган қоида ва нормаларни амалиётга жорий этганлар.

Бундан ташқари мазкур йўналишдаги халқаро қонунчилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, коррупцияга қарши кураш бўйича Америка давлатлараро Конвенцияси коррупцияга қарши курашишга оид биринчи катта халқаро шартнома эди. Ушбу Конвенция устида иш 1994 йилда Бош Ассамблеянинг жамоат этикаси бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги Резолюциясидан⁵⁷ сўнг бошланган эди. Конвенция 1997 йилда кучга кирган Барбадосдан ташқари ОАСга аъзо мамлакатларнинг барчаси имзолаган⁵⁸.

Конвенциянинг “Олдини олиш чоралари” деб номланган III моддасида аъзо давлатлар ўз миллий қонунчиликларини мослаштиришлари лозим бўлган талаблар мавжуд бўлиб, белгиланган мақсадларга эришиш учун Аъзо Давлатлар ўз миллий қонунчиликларининг асосий принциплари ва Конституциясига мос равишда ўзларининг институционал тизимлари доирасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ҳалол ва оқилона асосларга таянган ҳолда хабар берган давлат хизматчилари ва хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқий ва шахсига оид маълумотларининг ҳимоя

⁵⁶ United Nations Office on Drugs and Crime, The Global Campaign Against Corruption: UN Anti-corruption Toolkit, 3rd Edition, September 2004. Available at http://www.unodc.org/unodc/corruption_toolkit.html

⁵⁷ Resolution 1294 (XXIV-0/94). For a brief history of the creation of the convention, see Edmundo Vargas Carreno, The Inter-American Convention against Corruption. Presented at the Inter-American Development Bank Conference on Transparency and Development in Latin America, May 2000.

⁵⁸ OAS General Information of the Treaty, B-58. <http://www.oas.org/juridico/english/Sigs/b-58.html> (Viewed 7 March 2006)

килинишига доир чораларни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш чораларини қўллаш мумкинлигини кўриб чиқишга келишиб олганлар⁵⁹.

Европа минтақасида жойлашган давлатлар Европа Кенгашининг коррупцияга қарши курашишга оид икки жилдли Конвенциясини имзолаганлар. Биринчиси, Коррупцияга оид фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик Конвенцияси 1999 йилда қабул қилинган ва 2003 йилда кучга кирган⁶⁰. Мазкур Конвенциянинг 9-моддаси коррупциявий фактларни ошкор қилишда ходимларга махсус ҳимоя чоралари орқали ҳимояланишга оид ҳуқуқларини тақдим этади. Унда ҳар бир Давлат ўз ички қонунчилигида коррупцияда шубҳаланишга оқилона асослари мавжуд бўлгани ҳолда, масъул шахслар ҳамда ваколатли органларга виждонан ва асосли хабар берган ходимларни ҳар қандай турдаги асоссиз санкциялар ва ножўя таъсирлардан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган. Иккинчиси, Коррупцияга оид жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик Конвенцияси 1999 йил қабул қилинган ва у 2002 йил кучга кирган. У одил судлов ходимлари ва гувоҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларни ўз ичига олади⁶¹.

Шу билан бир қаторда, 2003 йил Африка Иттифоқининг “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси Африка давлатларининг ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳамкорлигининг амалий намунаси дейиш мумкин. Унинг 5-моддаси “Қонунчилик ва бошқа чоралар” қисмида хабар берувчи шахслар, гувоҳлар ҳимояси ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик масалаларига оид қоидаларни ўз ичига олади. Унга кўра Иштирокчи давлатлар коррупция ҳамда у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида ахборот тарқатувчилар ва гувоҳларни шахсини ҳимоя қилишга доир қоидалар ҳамда қонунларни шунингдек, фуқароларнинг

⁵⁹ Whistleblowing: International Standards and Developments, February 2011, David Banisar.

<http://www.researchgate.net/publication/228124587>

⁶⁰ Civil Law Convention on Corruption CETS No.: 174. 4.XI. 1999.

<http://conventions.coe.int/Treaty/en/Treaties/HTML/174.htm>

⁶¹ Criminal Law Convention on Corruption CETS No.: 173. 27.I. 1999.

<http://conventions.coe.int/Treaty/en/Treaties/HTML/174.htm>

коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бергандан кейинги репрессилардан холи хабар беришларини таъминлайдиган чораларни ўз зиммаларига оладилар. Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири ушбу Конвенцияда коррупция ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқбузарликларда айбсиз шахсларга қарши нотўғри ва асосланмаган хабар берган шахсларни жазолаш учун миллий қонунчилик чораларини қабул қилиш белгилаб қўйилган⁶².

Африка Иттифоқининг юқоридаги Конвенцияси Африка худудидаги шартномаларнинг ягона манбаи эмас. Африкада коррупция соҳаси бўйича бошқа минтақавий нормалар ва қоидалар хабар берувчи шахсларнинг ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Жумладан, Жанубий Африка Тараққиёт Ҳамжамиятига 14 Африка мамлакати киради⁶³. 2001 йилда ушбу ташкилот томонидан Коррупцияга Қарши Протокол қабул қилинган⁶⁴.

Унинг “Олдини олиш чоралари” деб номланган 4-моддасида ушбу Протоколнинг 2-моддасида белгиланган мақсадларга эришиш учун ҳар бир иштирокчи Давлат коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида виждонан ва оқилона асосларда хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини яратадиган, ўз ичига оладиган ва кучайтирадиган чораларни қабул қилишни ўз зиммасига олиш мажбурияти белгилаб қўйилган.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (OECD) 30 та саноатлашган малакатларнинг “демократик ҳукумат ва бозор иқтисодиётига содиқлик” асосида бирлашган шартномавий қудратли ташкилоти ҳисобланади. У савдо, ривожланиш, илм-фан билан бирга коррупцияга қарши кураши ва давлатда яхши бошқарув тизимини такомиллаштириш сиёсатига ҳам эътибор қаратадиган халқаро ташкилот ҳисобланади. Ушбу ташкилот бир неча турдаги механизмлар, конвенциялар ва кўрсатмалар ишлаб чиққан. ИХТТ хабар бериш тизимини такомиллаштиришга қаратилган турли хил тавсиялар, кўрсатма ва намуналар кўрсатган. 2003 йил ИХТТ

⁶² The African Union Convention on Preventing and Combating Corruption <http://www.africa-union.org/root/au/Documents/Treaties/Text/Convention%20on%20Combating%20Corruption.pdf>

⁶³ See SADC, History, evolution and current status. <http://www.sadc.int/english/about/history/index.php>

⁶⁴ Protocol Against Corruption http://www.iss.co.za/AF/RegOrg/unity_to_union/pdfs/sadc/protcorpt.pdf

Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Ёриқнома қонунбузарликлар ҳақидаги даъволарни шикоят қилиш механизми ва ундан фойдаланишнинг самарали чораларини ривожлантиришни ўз ичига олади. Шунингдек, у хабар бериш учун аниқ қоидалар ва тартиблар билан таъминлайди ҳамда ҳуқуқбузарликлар ҳақида қонунларда белгиланган тартибда хабар берган шахслар турли хилдаги жазолар, репрессиялар, қасос олишлардан ҳимоя қилиниши ва шикоят қилиш механизмларининг суистеъмол қилинмаслигини таъминлаши белгиланган⁶⁵.

ИХТТ шунингдек, Халқаро бизнес шартномаларида хорижий оммавий мансабдор шахсларнинг порахўрлигига қарши курашиш бўйича Конвенцияси ташаббускори ҳисобланади ва мазкур халқаро ҳужжат 36 мамлакат томонидан имзоланган⁶⁶. Бироқ Конвенция матнида бирорта хабар берувчиларга оид қоидалар қўлланилмаган бўлса-да, ИХТТнинг Халқаро бизнес шартномаларида порахўрликка оид ишчи гуруҳи шартномаларни кўриб чиқиш жараёнининг бир қисми сифатида хабар берувчиларга оид саволларни ҳам ўртага ташлайди⁶⁷. Унинг иккинчи босқични амалга ошириш бўйича ҳисоботларида ишчи гуруҳ мамлакатларга хабар берувчиларни ҳимоя қилишга доир махсус қонунларни қабул қилиш тавсия қилинганди⁶⁸.

Сўнги йилларда Европа Иттифоқида мазкур йўналишдаги қонунчиликни янада кенгайтириш мақсадида Европа Парламенти томонидан 2019 йил 16 апрелда аниқ сиёсий ва саноат соҳаларида, молиявий хизматлар тизимида хабар берувчи шахсларни ўч олиниш ҳолатларидан ҳимоя қилиш учун “умумий минимал стандартлар”ни ўз ичига олган Иттифок

⁶⁵ OECD Guidelines for Managing Conflict of Interest in the Public Service C(2003) 107, 28 May 2003. <http://webdomino1.oecd.org/horizontal/oecdacts.nsf/Display/BF81CE725CF6D47FC125708800581411?OpenDocument>

⁶⁶ Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions. <http://webdomino1.oecd.org/horizontal/oecdacts.nsf/Display/5ACAACB6EF995C5DC125708800580E5F?OpenDocument>

⁶⁷ See questions 2.4 and 2.5 of Procedure for Self- And Mutual Evaluation of Implementation of the Convention and the Revised Recommendation – Phase 2. Questionnaire. <http://www.oecd.org/dataoecd/9/35/2090000.pdf>

⁶⁸ See OECD Country Reports on the Implementation of the OECD Anti-Bribery Convention and the 1997 Revised Recommendation http://www.oecd.org/document/24/0,2340,en_2649_34859_1933144_1_1_1_1,00.html

қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида Директива қабул қилинди.

Ушбу Директива Иттифок қонунчилигининг қуйидаги тарзда бузилишлари ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш учун умумий минимал стандартларни белгилайди:

Қуйидаги соҳаларга тегишли Иловада белгиланган Иттифок ҳужжатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар:

- I) давлат харидлари;
- II) моливий хизматлар, маҳсулотлар ва бозорлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни олдини олиш;
- III) маҳсулот хавфсизлиги ва мувофиқлиги;
- IV) транспорт хавфсизлиги;
- V) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- VI) радиация ва ядро хавфсизлиги;
- VII) озиқ-овқат хавфсизлиги, ҳайвонлар саломатлиги ва фаровонлиги;
- VIII) жамоат саломатлиги;
- IX) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- X) махфийлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, тармоқ ва ахборот тизимлари хавфсизлиги.⁶⁹

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, дунёнинг ҳар бир минтақасида коррупциявий жиноятларни олдини олиш, самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, кенг кўламли ҳуқуқбузарликларнинг барометрик кўрсаткичларини, уларнинг кўринишлари ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уларни спецификаштириш, нуқталаштириш мақсадида локал тусдаги битимлар тузишга эришмоқдалар. Мазкур жиҳат ҳар бир давлатнинг ушбу иллатга қарши аёвсиз курашишга бел боғлаганлигидан далолат беради.

⁶⁹ Law and practices on protecting whistle-blowers in the public and financial services sectors / International Labour Office, Sectoral Policies Department – Geneva: ILO, 2019. P 28.

2.2. Хорижий мамлакатлар тажрибасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масалалари

Хабар берувчи шахслар ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид умумий ва махсус қонунлар ҳозирги кунда кенг тарқалмоқда. Айни вақтда дунёнинг 30 га яқин давлатлари ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш амалиётини тартибга солишга қаратилган миллий қонунларни турли хил шаклларда қабул қилганлар бўлсалар, айримлари хабар берувчи шахсларга хусусий ва давлат секторида жамоат манфаатларини очиқлаш учун мурожаат қилиш имконини берувчи чекланган ҳимоя чораларини ўз ичига олувчи қонунларни жорий этганлар. Булар Австралия,⁷⁰ Канада,⁷¹ Франция,⁷² Ҳиндистон,⁷³ Япония,⁷⁴ Янги Зеландия,⁷⁵ Жанубий Африка,⁷⁶ Буюк Британия⁷⁷ ва АҚШ⁷⁸ни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан мазкур

⁷⁰ For example, in Australia, there are at least 11 Acts or Bills on public disclosures: Public Service Act 1999 (Cth) 16; Public Interest Disclosures Bill 2007(Cth); Public Interest Disclosures Act 1994 (ACT); Public Interest Disclosures Bill 2006(Act); Protected Disclosures Act 1994 (NSW); Public Interest Disclosures Bill 2005 (NT); Whistleblowers Protection Act 1994 (Qld); Whistleblowers Protection Act 1993 (SA); Public Interest Disclosures Bill 2002 (Tas); Whistleblowers Protection Act 2001 (Vic); Public Interest Disclosures Act 2003 (WA). Irene Moss, Report of the Independent Audit into the State of free Free Speech in Australia (2007)

⁷¹ See eg, Public Servants Disclosure Protection Act, SCC 2005, c 46; Final Report of the Former Public Service Integrity Office of 2005/2006 (2006) http://www.psiso-bifp.gc.ca/media/comminique/2004-11-17_e.php at 17 August 2008. The Canadian Charter of Rights and Freedoms, Part 1 of the Constitution Act, 1982, being schedule B to the Canada Act 1982 (UK) 1982, may protect public servant freedom of expression about their employers. There are whistleblower laws in several Canadian provinces such as New Brunswick, Manitoba and Ontario. The Employment Standards Act, SNB 1982, c E-7.2, s 28 provides the most general whistleblower protection amongst the Canadian provinces: Keith Archer, From Rhetoric to Reality: Protecting Whistleblowers in Alberta (2005) The Parkland Institute <http://www.ualberta.ca/Parkland/research/studies/Whistleblower%20report.pdf> at 17 August 2008.

⁷² The Auroux Law passed in France on 23 December recognizes an employee's droit d'alerte et de retrait (right to notify and to withdraw). French law protects the whistleblower (lanceur, d'alerte; in Quebec, fonctionnaires divulgateurs d'actes reprehensibles, denonciateur).

⁷³ Public Interest Disclosure (Protection of Informers) Bill 2002. The Indian Bill is discussed on the weblog Two Democracies: USA and India (2006) <http://2democracies.blogspot.com/2006/09/notes-for-indians-proposed.html> at 17 August 2008

⁷⁴ Whistleblower Protection Act 2004 (Japan); See, eg, Leon Wolf, "New Whistleblower Protection Laws for Japan" (2004) 17 Journal of Japanese Law 209

⁷⁵ Protected Disclosures Act 2000 (NZ)

⁷⁶ Protected Disclosures Act 2000 (South Africa); see, eg, Jeannette Campbell, Dare I Blow the Whistle? Is Adequate Protection Given to SA Employees in terms of the Protected Disclosures Act 26 of 2000? (Research Report, University of Wollongong, 2004) <http://www.uow.edu.au/arts/sts/bmartin/dissent/documents/Campbell.pdf> at 17 August 2008

⁷⁷ Public Interest Disclosure Act 1998 (UK), adding pt IVA ss 43A-43L (Protected Disclosures) to Employment Rights Acts 1996 (UK), in force in July 1999. This is internationally recognized as a benchmark for public interest whistleblowing; see, eg, Public Concern at Work <http://www.pcaw.co.uk> at 17 August 2008.

⁷⁸ Whistleblower Protection Act 5 USC (1989). The Sarbanes-Oxley Act 18 USC (2002) amended Chapter 73 of title 18, United States Code, by inserting important new whistleblower provisions in s 1514A to provide [c]ivil action to protect against retaliation in fraud cases.

муносабатларни тартибга солувчи қонунларни шартли равишда **икки гуруҳ – кенг қамровли (махсус) ва вақтинчалик (умумий)** турларга ажратиш мумкин.

Ҳозирга қадар фақатгина баъзи давлатларгина хабар бериш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид кенг қамровли (махсус) қонун ҳужжатларини қабул қилганлар. Буюк Британия, Янги Зеландия ва Жанубий Африка давлатларини коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш амалиётини тартибга солишга қаратилган қонунлари ҳақиқатан кенг қамровли деб аташ мумкин бўлган ягона тизимга эга. АҚШ ва Канада каби давлатларда эса давлат секторидаги муносабатлар алоҳида қонун бўлса, Японияда хусусий сектордаги фаолиятни тартибга солишга қаратилган кенг қонунлар қабул қилинган. Бундан ташқари Австралиянинг баъзи ҳудудларида кенг қамровли қонунлар амалда мавжуд⁷⁹.

Давлат ҳокимияти органларини коррупциянинг зарали таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга мажбур қилган⁸⁰ бўлиб, шу асосда хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишнинг узоқ йиллик анъанаси билан Америка Қўшма Штатлари хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш энг тўлиқ ҳамда қадимий тизимига эга ҳисобланади. 1989-йилда (Whistleblower Protection Act 1989) тўғрисидаги алоҳида қонуни, 2002 йилда инвесторларни ҳимоя қилиш мақсадида Сарбейнз-Оксли (Sarbanes-Oxley Act of 2002) Қонуни шунингдек, 2010 йилдаги Додд-Франк (Dodd-Frank Act of 2010) Қонуни қабул қилинди⁸¹. Биринчи Қонун ҳудудларда меҳнат фаолиятини олиб борувчи ходимлар, иккинчиси, хусусий компанияларда махсулот айрибошлаш билан шуғулланувчи шахслар, учинчиси, молия саноатидаги хабар берувчи

⁷⁹ Whistleblowing: International Standards and Developments, p 23, February 2011, David Banisar.
<http://www.researchgate.net/publication/228124587>

⁸⁰ Николайчик В.М. Правовое регулирование этики официальных лиц в США // США. Экономика. Политика. Идеология, - М., 1998. № 5. – С. 89-93

⁸¹ Law and practices on protecting whistle-blowers in the public and financial services sectors / International Labour Office, Sectoral Policies Department – Geneva: ILO, 2019. P 36.

шахсларни ҳуқуқларини таъминлашни турли томондан қамраб олган ҳолда, мавжуд камчиликларни биргаликда тўлдиради ва омихталаштиради. Ҳар уч ҳужжат хабар берувчиларнинг шахсига оид маълумотларнинг махфийлиги ва мазкур маълумотларни ҳимоя қилишни ўз ичига олади.

Жумладан, 2010 йилда қабул қилинган Додд-Франк (Dodd-Frank Act of 2010) Қонунининг 748-моддасида товар биржаси қонунлари бузилганлиги тўғрисида Товар фьючерс савдо комиссиясига хабар берган жисмоний шахсларга ҳақ тўлаш тартиби белгилаб қўйилган, шу билан бирга бундай шахслардан ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳақида хабар берганлиги учун ўч олиш, тазйиқлар қилиш, шахсий ҳаёт даҳлсизлигини издан чиқариш тақиқланади. Шунга ўхшаш қоидалар Додд-Франк қонунининг 922-моддасида Қимматли қоғозлар ва биржа комиссиясининг қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунларини бузиш ҳолатларини ошкор қилиш тўғрисидаги қоидалар белгилаб қўйилган.

Ўрганишлар ва илмий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жазоланиш ёки қасос олинишидан кўрқиб хабар бериш амалиётига қўйилган асосий тўсиқ бўлмоқда⁸². АҚШда хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини қасос олишлардан ҳимоя қиладиган камида иккита ҳукумат агентлиги ташкил этилган. Биринчиси, Махсус вакил (Office of the Special Counsel) мустақил федерал тергов ва айблов органи ҳисобланади. У ноқонуний ҳатти-ҳаракат ҳақида маълумот берганлиги туфайли жазодан азобланган, репрессияларга йўлиққан хабар берувчиларнинг шикоятларини қабул қиладди, тергов қиладди ва қонун йўли билан таъқиб қилиб, уларни муваққат ҳимоя чоралари билан таъминлайди. Иккинчиси, “Давлат хизматини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги қонуннинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида мустақил квази-суд органи сифатида ташкил этилган “Хизматларни инобатга олиш тизимини ҳимоя қилиш Кенгаши” (Merit System Protection Board) ахборот берганган

⁸² Public Services International, 2016; Belecky, Singh and Moreto, 2018)

шахсларга нисбатан ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш ва тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорларни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга⁸³.

Хабар берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатларида хабар берувчининг шахсига оид маълумотларни ҳимоя қилишни агар хабар берувчи уни ошкор қилишга розилик билдирмаса, махфий сақланишини назарда тутди⁸⁴. Масалан, АҚШ қонунлари Махсус вакил фуқаронинг шахсига оид маълумотлар жамоат саломатлиги ва хавфсизлиги ёки ҳар қандай жиноий қонуннинг бузилиши билан боғлиқлигини аниқламагунча, ошкор этилишига чеклов қўйилган⁸⁵. Шу билан бирга АҚШ Жиноят кодексининг 18 – сарлавҳасида хабар берувчи шахсларга нисбатан қасос олганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хабар берувчи шахсларни рағбатлантириш мақсадида баъзи G20 давлатлари рағбатлантириш тизими жумладан, пул мукофотларини жорий этганлар. АҚШда Нотўғри талаб акти фуқароларга давлат номидан йўқолган ва нотўғри сарфланган пул маблағларини қайтариш мақсадида судга даъво қилиш ва улар қайтарилган пулнинг 30 фоизигача миқдорда олишларига имкон беради⁸⁶. Додд-Франк қонунида АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржа комиссияси ушбу органни келгусида муайян муваффақиятли натижаларга олиб борувчи ҳақиқий маълумот билан таъминласа, қайтарилган маблағларнинг 10 фоизидан 30 фоизигача миқдорда мукофотланиши белгиланган.

Юқоридаги қонунга қўшимча равишда АҚШ ҳукумати коррупция ҳолатлари бўйича хабар берувчи шахсларнинг манфаатдорлигини ва латент жиноятчиликнинг олдини олишни таъминлаш мақсадида 1995 йилдаги

⁸³ US Merit Systems Protection Board <http://mspb.gov> at 18 August 2008. The MSPB and the OSC were set up under the Civil Service Reform Act USC (1978). Employees are not protected by First Amendment: Garcetti v Ceballos 547 US 410 (2006), discussed in Dylan Blaylock, Supreme Court Rules Against Government Whistleblowers (2006) Government Accountability Project

⁸⁴ For a more in depth discussion on this issue, see: D. Banisar, Whistleblowing: International Standards and Developments, (2009).

⁸⁵ U.S. Whistleblower Protection Act (1989); 5 U.S.C. 1213(h)

⁸⁶ False Claims Act, 31 U.S.C.&3729.

“Гувоҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилди. Унга асосан, муайян ташкилотда ишловчи ҳодим ўша ишхонадаги молиявий зарар келтирадиган ҳар қандай ҳолат ёки битимлар тўғрисида федерал ҳукуматга хабар берса ва натижада гумон қилинувчи судда айбдор деб топилса, хабар берувчи шахс зарарнинг 25-30 фоизи миқдорида (агарда шундай бошқа гувоҳлар томонидан берилганда 15 фоиз миқдорида) рағбатлантирилади⁸⁷.

Бундан ташқари, АҚШда Додд-Франк (Dodd-Frank Act of 2010) ва Сарбейнз-Оксли (Sarbanes-Oxley Act of 2002) Қонунига жавоб тариқасида мамлакатда мавжуд компанияларнинг бир нечтаси компания ичида коррупция, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ва ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар бериш учун ишонч телефонларини ташкил этганлар.

Албатта, АҚШдаги каби хабар берувчи шахсларга рағбатлантиришнинг намунавий тизими ва оптимал хабар бериш каналлари ташкил этилган давлатларда бундай қонунлар жамиятнинг турли соҳаларида пайдо бўлаётган коррупциявий жиноятларни олдини олишга ва мазкур жиноятларни тезкор равишда аниқлашга ўзининг ижобий ҳиссасини қўшаётганлигини хорижий мадакатлар амалиёти баён этилган илмий манбаларда кўришимиз мумкин. Бундай адабиётларда мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг коррупциявий ҳаракатлари учун хабар берувчи шахслар орқали аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони бошқа йўллар билан фош этилган жиноятларга қараганда кўпроқ миқдорни ташкил этади. Хусусан, Федерал қидирув бюросининг хабарларига кўра, коррупциявий ҳолатларнинг 34,2 фоизи – мансабдор шахс ишлайдиган корхона ишчилари томонидан, 25,4 фоизи бошқа гувоҳлар ва жабрланувчилар томонидан, 23,2 фоизи – муассасанинг раҳбарлари тақдимномасига асосан, 19,2 фоизи – тергов вақтидаги текширув чоғида, 12 фоизи – назорат қилувчи органлар томонидан берилган хабарларга

⁸⁷ Съюзан Роуз Аккерман. Коррупция и государство: причины, следствия, реформы / Пер. С англ. О.А. Аляркин. – М., 2003. – 75-б.

асосан аниқланган⁸⁸. Бундан кўриниб турибдики, хабар бериш учун қанча қулай алоқа каналлари яратилиб, уларнинг келгуси фаолияти даҳлсизлиги тўла таъминланса, ҳар қандай мансабдор шахс ўзининг фаолияти устидан назорат борлигини сезса, омма билан ҳисоблашишга мажбур бўлсагина яширин жиноятларнинг олди олинишига эришилади.

АҚШ қонунчилиги хабар берувчиларни коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берганлиги учун улардан қасос олишнинг қўйидаги шакллариға қарши ҳимоя қилиш механизми билан таъминлайди:

- мажбуриятларни алмаштириш, иш жойлашган ҳудудни ўзгартириш, ойлик иш ҳақини камайтириш ёки иш соатларини ўзгартириш;
- ҳар қандай интизомий ёки огоҳлантириш қўллаш, танбех ёки бошқа жазо қўллаш (молиявий жарима);
- адолатсиз муаомалада бўлиш, ишдан бўшатиш учун танлаш;
- мажбурлаш, қўрқитиш ёки таъқиб қилиш;
- камситиш, ноқулайлик ёки салбий муносабат;
- жароҳат, зарар ёки ёқотиш;
- жазо қўллаш таҳдиди;

Хусусан, Қозоғистон Республикасида “Коррупцияға қарши курашиш тўғрисида”ги қонунға кўра, коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахслар пул маблағлари билан мукофотланиш билан бир қаторда давлат томонидан ҳимоя қилинади. 2017-2019 йилларда Қозоғистон Республикасида давлат бюджетидан коррупцияға оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун 708 нафар шахс 99 млн. тенге (2,4 млрд. сўм), жорий йил 1-чорагида 44 нафар шахс 7,2 млн. тенге (176,6 млн. сўм) билан рағбатлантирилган⁸⁹.

Мазкур турдаги таъсир чоралари амалиётда қай даражада қўлланилаётганлигини илмий жиҳатдан таҳлил қилган Bradley

⁸⁸ Қобилов Ш.Р. Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияға қарши ҳулқ-атворни шакллантириш: Дарслик / масъул муҳаррир Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021, 73-б

⁸⁹ <https://hsti.uz/?p=26505>

университетида фаолият кўрсатувчи **Dr. Tanya Marcum** ва **Dr. Jacob Young** нинг ўрганишларига кўра, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг 69 % келгусида ўз ишини йўқотади ёки ишдан кетишга мажбур қилинади, 64 % хабар берувчилар эса бошқа ишга ўтган тақдирда ҳам “қора рўйхат”да туради⁹⁰. Бу рақамлардан кўришиб турибдики, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар қилган ҳар 100 та одамнинг 60 дан ортиғи ўзининг меҳнат ва шахсий ҳаётида салбий ўзгаришлар бўлишига мажбур қилинади ва таҳликали вазиятда қолади.

Шунингдек, АҚШда коррупция муаммоси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида коррупция натижасида йўқолган ва нотўғри сарфланган маблағлар мамлакатда агар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланганида 12 миллион киши қўшимча иш ўрни билан таъминланиши, шунингдек ишчи-хизматчиларнинг ўртача даромади 10 фоизга ошиши, ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши қўшимча 5 фоизга ортиши мумкинлиги аниқланган⁹¹. Бу кўрсаткичлар фақатгина бир давлат миқёсида ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотларнинг ўзи эканлигини инобатга олсак, мазкур муаммонинг нақадар катта сферада эканлигини англаш қийин эмас.

Бундан ташқари Буюк Британия Европа минтақасида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган энг кенг қамровли қонунчилик тизимига эга ва 1998 йилда хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган “Жамоат манфаатларини ошкор қилиш тўғрисида”ги Қонун (Public Interest Disclosure Act 1998) ни жорий этган биринчи Европа давлати бўлди. Шунингдек, ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган 1996 йилда қабул қилинган “Меҳнат ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун (Employment Rights Acts), 2013 йилда “Тадбиркорликни тартибга солиш тўғрисида” (Enterprise and Regulatory Reform Act) ва “Кичик бизнес, тадбиркорлик ва меҳнат тўғрисида” (Small business, Enterprise and Employment Act) қонунлар

⁹⁰ <https://www.whistleblowers.org/the-importance-of-rewards/#:~:text=The%20presence%20of%20reward%20laws,fraud%20to%20the%20appropriate%20authorities.>

⁹¹ CRIME.VL.RU. Коррупция в России и мире

қабул қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Буюк Британияда 1906 ва 1916 йилларда жамоатчилик таъсири остида коррупциянинг олдини олишга қаратилган яна бир қатор қонунлар қабул қилинган. Мазкур қонунларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири мансабдор шахсга жамият олдида ўзини айбсиз эканлигини исботлаб бериш мажбурияти юклатилиши ҳисобланади⁹².

Хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга оид қонунлар зарардан азобланган хабар берувчи шахслар учун ҳимоя чораларини ўз ичига олади. Бундай қоидаларнинг муҳимлиги Европа Иттифоқи Парламент Кенгашининг хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Резолюциясида иш берувчилардан тўғри ҳаракатларни амалга оширувчи тегишли қонунчиликни жорий қилиши лозимлиги белгиланган⁹³. Бундай чоралар нафақат ойлик маошни йўқотиш балки, азобланганлик компенсация ундирувларини ҳам ўз ичига олади⁹⁴. Бу ҳолатни Британия қонунчилига мувофиқ таҳлил қиладиган бўлсак, унга кўра судлар дискриминация тўғрисидаги қонун остида ишлаб чиқилган тизимга асосланиб, азобланганлик учун компенсация билан таъминланиши мумкинлиги ҳақида қарор чиқаради⁹⁵.

Мазкур тадқиқот иши учун хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги қонунчилик амалиётини ўрганиш давомида шунга амин бўлдики, ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва жамоатчилик назоратини, уни такомиллаштириш давр талаби эканлигини ҳис қилган, фуқаролик жамияти институтларини янги босқичга кўтарилиши давлатнинг сиёсий ва ижтимоий юзини кўрсатиб беришини инобатга олган мамлакатлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тизимини ва каналларини замонавий тенденцияга мослаштириб, уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган махсус қонунлар қабул қилмоқдалар.

⁹² Б.И.Исмаилов. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва халқаро стандартлар тизими шаклланиши. // Ўқув қўлланма. – Т.Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2019. 148-бет.

⁹³ Council of Europe Parliamentary Assembly Resolution 1729 (2010) on the Protection of Whistleblowers, Article 6.2.5.

⁹⁴ D. Banisar, Whistleblowing: International Standards and Developments, (2009), p. 32.

⁹⁵ Ibid.

Коррупцияни тезда жиловлашда кўплаб давлатларга намуна булоладиган **Сингапурнинг** хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунлари соҳавий доира ва ижтимоий муносабатларнинг турларига кўра фарқланади ҳамда оптимизация қилинади. Хусусан, коррупциявий фактлар тўғрисида хабар берувчи шахсларнинг умумий ҳимояси ва мазкур ҳимоя чораларни қўллашга доир минимал талаблари **“Коррупцияни олдини олиш тўғрисида”ги Қонун**⁹⁶ билан тартибга солинади. Бундан ташқари, меҳнат муносабатларини амалга ошираётганда иш жойида вужудга келувчи коррупциявий ҳолатлар ва қонун бузилиш фактлари тўғрисида хабар берувчи шахслар (ходимлар)нинг ҳуқуқлари ва меҳнатга оид кафолатлари **“Иш жойидаги хавфсизлик ва соғлиқ тўғрисида”ги қонунга** мувофиқ таъминланади. Шунингдек, ноқонуний гиёҳванд моддалар айланмаси, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш, рақобат ва монополияга оид масалалар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини бузганлик фактлари бўйича хабар берувчи шахсларнинг даҳлсизлик ва эркинликларини реал рўёбга чиқарувчи қонунлар мавжуд.

Бундан ташқари, “Осиё йўлбарси” дея эътироф этиладиган **Япония** давлатида ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг хоҳ у давлат секторида, хоҳ у хусусий секторда фаолият юритишидан қатъий назар, ташкилот раҳбарлари томонидан ходимларга нисбатан ноқонуний босим ва бошқа турдаги тазйиқларни олдини олишга қаратилган **“Хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги махсус қонун**⁹⁷ қабул қилинган.

Сўнги йилларда қилинган ҳаракатлар натижасида **Босния ва Герцеговинада** коррупцияга оид фактлар хусусида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларни таъминлаш билан бир қаторда, бошқа давлатлар

⁹⁶ [Электрон манба] URL: <https://www.nortonrosefulbright.com/en/knowledge/publications/17863738/business-ethics-and-anti-corruptionlawssingapore#:~:text=There%20is%20currently%20no%20overarching,identity%20of%20the%20informer%3B%20or>

⁹⁷ [Электрон манба] URL: <https://www.japaneselawtranslation.go.jp/en/laws/view/3362/en>

қонунчилик тажрибасида камдан кам учрайдиган ҳолат сифатида эътибога молик жиҳатлардан бири, давлат ёки ҳарбий сирларни ошкор қилиш заруратини вужудга келтирадиган давлат хизматчиларининг ҳам эркинлик ва даҳлсизлигини кафолатловчи хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган хусусий қонун⁹⁸ қабул қилинди.

Шунингдек, 2014 йил **Сербия** парламенти томонидан “Хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун⁹⁹ қабул қилиниши билан ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар берувчи шахслар ва уларга алоқадор бошқа шахсларнинг ҳимоясини таъминловчи ҳуқуқий асос яратилди.

Мазкур қонунда хабар берувчи шахслар қуйидагича классификация қилинган:

- ички хабар бериш каналлари орқали иш жойидаги коррупциявий фактлар тўғрисида иш берувчига ва масъул ходимга тегишли маълумотларни бериш;
- ташқи хабар бериш каналлари орқали ваколатли давлат органига ахборот бериш;
- оммавий хабар берувчилар (public whistleblower) орқали оммавий ахборот воситаларига маълумот бериш.

Шу билан бирга мазкур мамлакатнинг хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ижобий тажрибаларидан яна бири, меҳнатга оид нормалар билан интеграциялашганлиги ҳисобланади. Яъниким, махсус қонун ҳамда меҳнатга оид қонунларда ҳар бир иш берувчи агар корхона, муассаса ва ташкилотда ўндан ортиқ ходим хизмат қилса, хабар берувчи шахсларни ҳуқуқлари тўғрисида ҳар бир ходимни ёзма равишда хабардор қилиши ва ички хабар бериш тизимини тартибга солишга қаратилган локал норматив ҳужжатни қабул қилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

⁹⁸ [Электрон манба] URL: <https://legislationline.org/taxonomy/term/20801>

⁹⁹ [Электрон манба] URL: <https://cms.law/en/int/expert-guides/whistleblower-protection-and-reporting-channels/serbia>

Юқорида таъкидланган Сербия давлатининг ижобий амалиётини қўллаган ҳолда таклиф сифатида, Ўзбекистон Республикасида ҳам вазирлик, идора ва давлат иштирокидаги ташкилотларда ходимлар сонидан келиб чиқиб, “Коррупция ҳолатларига оид хабарлар билан ишлаш сиёсати” ички идоравий локал ҳужжат бўлишини мажбурий тартибда жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир ривожланишни хоҳлаётган давлат коррупцияга қарши курашишдан кўра уни олдини олиш ва максимал минималлаштиришга қаратилган чораларни давлат ва жимият ҳаётининг ҳар бир жабҳасига татбиқ этиб бормоқда. Ривожланган давлатлар аллақачон махсус ваколатли органлар, комиссиялар тузишдан кўра жамоатчилик билан давлат органлари ўртасидаги алоқаларни интеграциялаш, такомиллаштиришга қаратилган механизмлар афзал эканлигини эътироф этмоқдалар.

III БОБ. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРУВЧИ ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарлар билан ишлаш tizими самарадорлигини ривожлантириш масалалари

Сўнги йилларда юртимизда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг янги тўлқини асосида барча соҳаларда ушбу иллатга қарши муросасиз курашиш ва унга қарши жамиятда превентив чораларнинг янги тизими жорий этилди. Хусусан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг халққа хизмат қилиши, уларнинг жамоатчилик олдида жавобгар ва ҳисобдорлиги меҳнат фаолиятининг кундалик меъзонига айланди, маъмурий идора раҳбарлари ва юқори мансабдор шахсларнинг давлат ва жамоат мулкларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатилишини олдини олиш мақсадда улар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди, коррупциявий хатарларни минималлаштириш учун фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот технологиялари жорий этилиб, инсон омили камайтирилди, ўзаро муносабатлар автоматлаштирилди.

Шу билан бирга коррупцияга қарши курашнинг бутун дунёда мавжуд тенденциясига ҳамроҳанг равишда давлат ва хўжалик бошарув органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий хавфларни бошқаришнинг интенсив тизимини жорий этиш, бюджет пулларини мақсадли сарфланиши ва давлат харидлари шаффафлигини таъминлаш ишларини оптималлаштириш, шунингдек коррупциявий ҳолатлар кенг доирада учровчи соғлиқни сақлаш, олий таълим, қурилиш соҳаларида коррупцияга оид ҳолатларни олдини олиш ва реал механизмлар жорий этишга ҳар кунгиданда каттароқ зарурат мавжуд.

Сўнги йилларда коррупцияга қарши кураш соҳасини такомиллаштириш ҳамда унга қарши курашишнинг реал механизмларини

жорий қилувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясига (Ньюрк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” Қонуни¹⁰⁰.
2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни¹⁰¹.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони¹⁰².
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони¹⁰³.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши мурасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони¹⁰⁴.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясига (Ньюрк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” Қонуни (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2008 й., 28-сон, 260-модда; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2017 й., 1-сон, 2-модда; *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон)

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши мурасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (*Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)

тўғрисида”ги Қарори¹⁰⁵ (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 07/21/5177/0644-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори¹⁰⁶.
8. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун Президент томонидан имзоланди¹⁰⁷.

Фикримизча, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш тизимини такомиллаштириш ва хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни рўёбга чиқариш нуқтайи назаридан чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ-729-сон, 18.11.2021 й)нинг 9-моддаси асосида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 07/21/5177/0644-сон)

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/322/0481-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

киритилди. Унда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилиш тартиби белгилаб берилди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларнинг ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг ҳаётига ва соғлиғига ҳақиқий таҳдидни, уларга нисбатан зўрлик ишлатилганлигини, уларнинг мол-мулки йўқ қилинганлигини ёки шикастлантирилганлигини тасдиқловчи етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи органлар «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ уларни ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шартлиги белгиланган.

Аммо, «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қўлланилиш соҳаси жабрланувчи, гувоҳларга ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларига тааллуқли бўлиб, хабар берувчи шахсларни ҳам ушбу доирага киритилишига сабаб бўлмоқда. Агар ушбу ҳолатга илмий нуқтайи назаридан ёндашадиган бўлсак, хабар берувчи шахслар ва гувоҳлар ҳуқуқий мақоми турлича бўлиб, улар ҳар ҳил статусда қаралиши даркор. Чунки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясининг 32-моддасида ҳар бир Давлат ўз қонунчилигининг ички тизимига мувофиқ ва ўз имкониятлари чегарасида мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатлар муносабати билан кўрсатмалар бераётган гувоҳлар ва экспертларга нисбатан, тегишли ҳолатларда уларнинг қариндошлари ва уларга яқин бўлган бошқа одамларга нисбатан бўлиши эҳтимол тутилган ўч ёки дўқ-пўписалардан самарали ҳимоя қилишни таъминловчи тегишли чораларни кўриши белгиланган бўлса, мазкур Конвенциянинг 33-моддасида ҳар бир иштирокчи Давлат ваколатли органларга мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатлар хусусида исталган далиллар тўғрисида ҳалол ва

оқилонга асосларга таянган ҳолда хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чораларни ўзининг ички ҳуқуқий тизимига киритиш имкониятларини кўриб чиқиши белгиланганлигининг ўзи уларни мантиқий ва қонуний жиҳатдан алоҳида турларга ажратади.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, давлат органлари ва хусусий сектордаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳимоясини жиноят процесига жалб этилган жабрланувчи ва гувоҳлардан ажратиш ҳамда ҳимояни таъминлашнинг молиявий манбалари, механизми белгиловчи, мазкур қоидалар шахснинг яшаш, меҳнат фаолияти, эркин ҳаракатланиш ва даҳлсизлигини муайян миқдорда чеклашни ўз ичига олувчи коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қилишга доир Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 2782-сон-Қўшма қарорининг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси пора берилиши ҳақида хабар қилган давлат хизматчилари, шунингдек коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан 2020 йил 31 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 829-сон Қарори билан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом белгиланган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат коррупциявий фактлар тўғрисида хабар беришни тартибга солишга қаратилган махсус қонуности ҳужжат бўлиб, мазкур низом фақатгина давлат, давлат иштирокидаги ташкилотларда коррупцияга оид

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун рағбатлантиришни камраб олганлиги билан чекланади.

Ушбу Низомда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларнинг тоифаси сифатида фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат ноижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси белгиланган.

Бизга маълумки, коррупциявий хавфлар ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар нафақат давлат бошқарув органларида, балки хусусий сектор билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган давлат органларида ҳам содир этилади.

Яъни шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, давлатнинг ҳарбий ва махсус ички хавфсизлик сиёсатини амалга оширишга ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда ҳарбийлаштирилган ташкилотлардаги ҳужжатларнинг хизмат даврида фойдаланиш учунлиги ҳисобига ундаги маълумотлар омма учун нисбатан ёпиқ ҳисобланади. Бундан шу нарса англашиладики, мазкур тузилмалар ичида юз бераётган ёки юз бериши мумкин бўлган муайян коррупциявий жараёнлар фақатгина тизим ичида фаолият олиб бораётган ҳодим ва ҳарбий хизматчиларга маълум бўлади. Мазкур вазиятда агар тизим ичидаги ҳодим ва ҳарбий хизматчилар коррупцияга оид ҳолатлар хусусида хабар берган тақдирда ҳеч қандай жамоатчилик назорати ва ошкораликсиз ушбу ҳодимларнинг келгуси меҳнат фаолиятлари оёқости қилиниши, ишдан бўшатиш ва шахсий ҳаёт даҳлсизликларига жиддий хавф солишиниши ҳам ҳеч гап эмас.

Бу борада Босния ва Герцеговинада “whistleblower”ларни ҳимоя қилишга оид қонунларни ижобий тажриба сифатида алоҳида эътироф этиш мумкин. Чунки мазкур давлатнинг қонунчилик амалиётида коррупция тўғрисида хабар бериш пайтида расмий сирларни ошкор қиладиган давлат

ходимларини ҳимоя қилиш тартиби, қонунинг амал қилиш доираси белгилаб қўйилган¹⁰⁸.

Юқоридаги давлат тажрибасидан намуна олган ҳолда, мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган махсус идораларда коррупцияни олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони** лойиҳаси ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Мазкур Фармонда:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган махсус идораларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар беришнинг янги механизми ва каналларини жорий этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бевосита коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган давлат органлари устидан бевосита назоратни амалга оширувчи бошқа органларни белгилаш;

мазкур қонуннинг қўлланилиш доираси ва соҳасини аниқлаштириш акс эттилиши лозим.

Шунингдек, бевосита масъул мансабдор шахслар ва ваколатли ташкилотларда коррупциянинг мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, манфаатлар тўқнашуви, мансаб ваколатидан четга чиқиш каби турлари юзага келишини инобатга олган ҳолда улардаги ички хавфсизлик бўлимларига қўшимча равишда тузилмалардаги коррупциявий фактларни аниқлашни иккинчи (бетараф) тузилмага хабар бериш ёки аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш (яъни ДХХ, Мудоффа, Миллий гвардия тизимида содир бўлган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни Ҳарбий прокуратурага, Прокуратура ходимлари фаолиятида юзага келувчи мазкур ҳолатларни ДХХга, ИИБ ходимларини Прокуратурага занжир асосида бириктириш);

тизиим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчиларни ишончли ва асосланган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлиги учун электрон

¹⁰⁸ [Электрон манба]. URL: <http://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

ёхуд автоматлаштирилган тизим орқали хизмат бўйича ёки моддий рағбатлантириш тизмини йўлга қўйиш;

тизимдаги ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг юридик ҳимоясини таъминлаш (лавозимини ошириш ва коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар берган давлат хизматчисининг шахсига доир маълумотлар тарқалиб кетиши натижасида мавжуд лавозимида меҳнат фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни вужудга келтирса, бир тузилмадан иккинчи тузилмага ротация қилиш);

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарларни ўрганувчи мансабдор шахс томонидан мазкур ахборот тавсилотларини ўрганиш давомида хабар берувчи шахснинг розилигисиз мазкур шахснинг идентификацион маълумотлари ошкор этилмаслиги, ҳолатлар ўз тасдиғини топмаган тақдирда (туҳмат ва ёлғон кўрсатма бериш бундан мустасно) хабар берувчи шахснинг шахсига доир маълумотлар сир сақланиши назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлилларни давом эттирган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, шунингдек, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрда 829-сон қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар ижросини самарали таъминлаш мақсадида Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни

рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилган эди.

Кўплаб илмий манбаларни таҳлил қилган ҳолда шунга амин бўлдики, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда превентив механизмларни жорий этиш, коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш, ушбу иллатни минималлаштиришда хабар берувчи шахсларнинг ҳуқуқларини реал таъминлаш ва кенг хабар бериш каналлари жорий этилиб, мақбул рағбатлантириш тизими жорий этилсагина, жамоатчиликни оёққа турғозиш, таъсирчан жамоатчилик назоратини вужудга келтириш мумкин экан.

Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси берган маълумотларни илмий жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, **2021 йил** ва жорий йилнинг **3 ойида** жами **46 нафар** шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашганлиги сабабли рағбатлантирилганинг гувоҳи бўлди.

Шунингдек, рағбатлантирилган шахсларнинг берган хабарларига кўра **42 та** ҳолатда пора олиш ва **4 та** ҳолатда бюджет маблағларини жуда кўп миқдордаги қийматда талон-тарож қилиш жиноятлари фош этилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Рағбатлантирилган шахсларнинг **23 нафарига** ташаккурнома, **21 нафарига** пул мукофоти ва **2 нафарига** эсдалик совғаси топширилган¹⁰⁹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрда 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом”да коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларидан

коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, бироқ амалиётда Давлат бюджети параметрларида мазкур ҳолатларни рағбатлантириш учун пул маблағлари алоҳида кўрсатилмаётганлиги сабабли бюджетдан маблағ ажратилиши ва тегишли шахсларга пул маблағлари тўлаб берилишида айрим муаммолар юзага келмоқда. Бу бўшлиқ ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, нафақат коррупциявий балки бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни ваколатли органларга мурожаат қилишларига рағбатни пасайтириб юбориши мумкин. Бундан ташқари коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий механизмларини такомиллаштириш, бу жараёнга жамоатчиликни жалб қилиш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарорига¹¹⁰ илова сифатида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган бўлиб, шакллантирилган Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартибида ҳам коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг хабар берганлиги учун моддий рағбатлантириш назарда тутилмаган. Шу сабабли коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришнинг аниқ молиявий манбасини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрьда “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-34-сон Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.12.2021 й., 07/21/34/1140-сон)

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш доирасида уларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизими изчил жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистон шароитида коррупциявий омилларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш жараёнида тегишли соҳаларни рақамлаштириш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга эътиборни янада кучайтириш зарурати вужудга келмоқда.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш юзасидан давлат органлари томонидан ўз функцияларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди¹¹¹.

Қўшимча равишда давлат раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240 сонли Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.05.2022 й., 07/22/240/0407-сон)

Илк бор коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда транспорт воситаларига давлат рақам белгиларини бериш, нотариат ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш, ер участкаларини ажратиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш каби кўплаб соҳаларда коррупция ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, кўрилаётган тизимли чораларга қарамасдан, бюджет маблағларидан фойдаланиш, давлат харидлари, капитал қурилиш, лицензия ва рухсатномаларни олиш, банк кредитларини ажратиш, ишга қабул қилиш каби йўналишларда ҳали ҳамон коррупция ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июльдаги ПФ-6257-сон Фармони¹¹² билан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат Дастурининг 39-позициясида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш механизмини такомиллаштириш, шу жумладан:

фуқаролар томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини кенгайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар кўриш масаласи белгиланган.

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июльдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6257-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)

Ушбу Фармонда белгиланган режаларнинг ифодаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида агентлик ваколатлари доирасига 2022 йил 1 январдан бошлаб фуқароларга коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи туну кун фаолият юритадиган «Call-марказ»ни ишга тушириши қонуний асосда белгилаб қўйилди. Мазкур муружатларни сифатли ва тезкор равишда ўрганиб чиқишни ташкиллаштириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш соҳасида катта тажрибага эга бўлган йирик халқаро корпорацияларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мисол сифатида айтиш мумкинки, AlliedBank томонидан коррупцияга қарши курашишга оид ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири CORPORATE WHISTLEBLOWING POLICY¹¹³ ҳисобланади. Мазкур ҳужжатда хабар берувчи шахсларнинг муружаатлари билан ишловчи ижрочи органи, хабарларни қабул қилиш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар, муружаатларни таснифлаш, мазкур муружаатларни ўрганиш, хабар берувчи шахсларни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш чораларини кўриш, муружаатчини доимий равишда берган ахбороти юзасидан хабардор қилиб бориш, шунингдек кўриб чиқилган муружаатларни хабар берувчилар томонидан баҳоланиши белгилаб қўйилган. Бу турдаги амалиётлар Amazon, The World Bank каби йирик ташкилотларда ҳам қўлланилади.

Мазкур ҳолатга таклиф сифатида, Ўзбекистон Республикасида ҳам вазирлик, идора ва давлат иштирокидаги ташкилотларда юқорида келтирилган ҳорижий амалиётларни ўз ичига олган **“Коррупция ҳолатларига оид хабарлар билан ишлаш сиёсати”** ички идоравий локал ҳужжат бўлишини мажбурий тартибда жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

¹¹³ [Электрон манба] <https://www.abl.com/the-bank/corporate-whistle-blowing-policy/>

3.2. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ва янада такомиллаштириш масалалари

Ҳозирги глобал қонунчилик амалиёти хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш учун жамоатчилик назоратини ошириш, давлат органлари ва омма ўртасидаги муносабатларни кучайтириш, жамиятнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини оширмасдан туриб самарали натижага эришиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Айрим давлатлар давлат хизматидаги хабар берувчиларни ҳимоя қилишга қаратилган даврий хабарлар ва қўлланмалар чоп этсалар, бошқалари доимий равишда парламентларга давлат тизимида вужудга келувчи муаммоли масалалар ҳақида махсус ахборотлар бериб бориш механизмини йўлга қўйганлар¹¹⁴. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг реал ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва оптимал хабар бериш каналларини жорий этиш, такомиллаштириш, шунингдек, етарли рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш фуқароларнинг коррупциявий фактлар тўғрисида масъул мансабдор шахслар ва ваколатли органларга хабарларни етказиш имкониятларини оширади.

Айни даврда коррупцияга қарши кураш нафақат давлатларнинг ички сиёсатининг устувор вазифаси, балки глобал миқёсидаги муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва рўёбга чиқариш халқаро қонунчилик тенденциянинг ажралмас қисми десак, муболаға бўлмайди.

Дунёнинг энг йирик ва ривожланган давлатлари Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида 2010 йил ноябрь ойида G20 мамлакат раҳбарлари йиғилган саммитнинг кун тартибидаги асосий масаласи хабар берувчи

¹¹⁴ Paul Latimer and A.J. Brown, Whistleblower Laws: International Best Practice (November 01, 2008). Monash U. Department of Business Law & Taxation Research Paper No. 1326766, p. 14. See Public Interest Disclosure Act 1994 (ACT)s 11; Public Service Act, RSO 1990, c P.147. s28.41; Whistleblower Protection Act 1994 (Qld)s 30; Whistleblower Protection Act 2001 (Vic)s. 103A.

шахслар ва уларнинг оила-аъзоларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Мазкур давлатлар гуруҳи коррупцияга қарши курашнинг муҳим элементи сифатида хабар берувчи шахсларнинг реал ҳимоясини таъминлаш орқали таъсирчан жамоатчилик назоратига эришиш мумкинлигини англаган ҳолда, саммит натижасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш режасининг 7-бандида коррупцияда гумон қилинаётган шахс тўғрисида етарли ва асосли маълумот берган хабар берувчи шахслар биринчи навбатда иш берувчиларнинг санкция ва “таъсирлар”идан ҳимоя қилиниши лозимлиги ҳақида бир тўхтамга келдилар.

Илмий манбалар ва хорижий мамлакатлар юридик қонунчилигини тадқиқ қилиш давомида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар муайян давлат миллий қонунчилигининг кўплаб манбаларида мавжуд бўлганлиги сабабли, фикримизча, уларни шартли равишда қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

коррупцияга қарши курашишга оид умумий қонунчилик;

хабар берувчи шахслар (whistleblowers, flag wavers)ни ҳимоя қилиш тўғрисидаги махсус қонунлар;

жиноят қонунчилигига оид қонунлар муайян тармоққа оид қонунлар.

Коррупцияга қарши курашиш хорижий давлатлар сиёсатида, одатда, хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган нормалар коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги умумий қоидаларни акс эттирувчи қонун ҳужжатларида учрайди. Фикримизнинг исботи сифатида, Корея Республикасида 2001 йилда Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунда¹¹⁵ хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган умумий нормалар қайд этилган бўлса, 2011 йилга келиб коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган махсус қонун қабул қилинди.

¹¹⁵ Act on Anti-Corruption and the Establishment and Operation of the Anti-Corruption and Civil Rights Commission 2011.

2004 йилда АҚШнинг Фирибгарликни сертификатлаш экспертизалари уюшмаси (АСФЕ) томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, унга кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар учун қулай хабар бериш каналлари ва хабар бериш тизимига эга бўлган ташкилотлар, бундай механизмларга эга бўлмаган ташкилотларга қараганда икки баробар коррупция билан боғлиқ ижобий рақамларга эришганлиги аниқланган. Шунга кўра, фирибгарликнинг тахминан энг катта қисми яъни, 40 % хабар берувчилар томонидан, 24 % ички текширувлар орқали, 21 % ўрганишлар асосида, 18 % ички назорат орқали, 11 % ички аудит орқали аниқланган.

Коррупциявий фактларни барвақт ва тезкорлик билан аниқлаш ҳамда олдини олишда ёдам берадиган муайян ташкилот ва муасасада фаолият олиб борувчи ходимлар келгуси меҳнат фаолиятларида кўпинча маълум бир тўсик ва чекловларга тушиб қолади.

Сўнгги йиллар рақамларини таҳлил қилган ҳолда АҚШда хабар берувчи шахсларнинг хабар бергандан кейинги меҳнат фаолиятлари ва яшаш ҳолатларига доир маълумотларни кўздан кечириш мақсадида тадқиқот ўтказилган. Унга кўра, ўрганилиш объекти сифатида шифохонада маиший коррупциявий ҳолатлар хусусида 233 та хабар берган шахсларнинг мурожаатлари ўрганилиши натижасида “хуштак чалувчи”нинг 90 % ишдан бўшатишга эришилган турган лавозимидан озод этилган, 27 % фуқаролар судларга мурожаат қилган, 26 % хабар берувчилар ўзларига нисбатан бошқалар томонидан камситилиши натижасида психологик ва психиатрик ёрдамга муҳтож кўрилган, 25 % хабар берган ходимлар спиртли ичимликка муккасидан кетган, 10 % фуқаро меҳнат қилувчи ташкилотдаги босимлар сабабли ўз жонига қасд қилишга уринган¹¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам нафақат коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берувчи шахслар балки уларнинг

¹¹⁶ [Электрон манба]

URL:https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/11172/408550WhistleblPSOIssue1501PUBLI_C1.pdf?sequence=1&isAllowed=y

яқин қариндошлари ҳам ҳимоя остида бўлишини таъминловчи умумий нормалар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддасига асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилган. Миллий қонунчилигимиз таҳлили шуни кўрсатадики, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар жиноят ҳақида хабар берувчи шахслар сифатида баҳоланиб, уларга нисбатан қўлланиладиган ҳимоя чоралари “Жабрланувчи, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан қўлланилади ва тартибга солинади.

Хусусан, мазкур Қонуннинг 4-моддасига кўра ҳимоя қилинувчи шахслар категорияси қуйидагилардан иборат:

- 1) жабрланувчи ва унинг қонуний вакили;
- 2) гувоҳ;
- 3) жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси;
- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари;
- 5) маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс;
- 6) фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;
- 7) эксперт, мутахассис, таржимон ва холис.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилинувчи шахслар бўлиши мумкин.

Ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши кўзғатилгунига қадар ариза, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги алоҳида қайд этиб қўйилган.

Бундан ташқари ушбу қонунда юқоридаги моддада келтирилган тоифадаги шахсларга нисбатан қуйидаги хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;
- 2) шахсни, уй-жойни ва бошқа мол-мулкни кўриқлаш;
- 3) ҳимоя қилинувчи шахсга махсус индивидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларни бериш;
- 4) вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш;
- 5) бошқа яшаш жойига кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш;
- 6) ҳужжатларни алмаштириш;
- 7) ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилишини чеклаш;
- 8) қамоқда ёки жазони ўташ жойларида сақланаётган ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан қўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш.

Ушбу модда биринчи қисмининг [6](#) ва [7-бандларида](#) назарда тутилган хавфсизлик чоралари фақат оғир ва ўта оғир жиноят ишлари бўйича зарур бўлган ҳолларда амалга оширилши қайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда хабар берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясини таъминлашга қаратилган умумий норма мавжуд бўлиб, унинг қўлланилиш механизми яратилмаганлиги оқибатида амалиётда хабар берувчи шахсларга ҳимоя чоралари қанча, қай тартибда, қандай асосларда қўлланилишига камдан кам ҳолларда гувоҳ бўламиз.

Барчамизга маълумки, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар асосан давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат иштирокидаги ташкилотларда содир этилиб, мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликлар, одатда, ташкилотда ишловчи ходимларгагина маълум

бўлади. Амалиётда ҳам, қонунчиликда ҳам уларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари, раҳбар ва бошқа ходимлардан бўладиган салбий таъсирлар, босимлар ва репрессиялардан ҳимоя қилиш ва олдини олишнинг ҳеч қандай чоралари белгиланмаган. “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда эса ҳимоя қилинувчи сифатида белгиланган шахсларга нисбатан фақатгина сақкиз турдаги хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкинлиги белгиланган. Шунга ўхшаш мавжуд камчилик ва муаммолар ичида Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд 14.7. тавсиясида ҳам аъзо давлат томонидан коррупция ҳолатлари хусусида хабар бериш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилишга оид қонун қабул қилиш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳисоботда¹¹⁷ кузатув гуруҳи йиғилган статистик маълумотлар йўқлиги, умумий қоидалар амалда қўлланилиш ёки қўлланилмаслиги юзасидан ягона ҳулосага кела олмаганлиги шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши орқали қисман ҳуқуқий асос яратилган бўлса-да, умумий нормалар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини тўла таъминлай олмалиги танқид остига олинган.

Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун Президент томонидан имзоланди¹¹⁸. Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритилиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган

¹¹⁷ [Электрон манба]. http://www.oecd.org/corruption/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун, ЎРҚ-729-сон (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

шахсларнинг қариндошлари ҳам давлат ҳимоясида бўлиши белгиланди (илгари фақат хабар берган шахслар назарда тутилган).

Юқоридаги масалага қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июльдаги ПФ-6257-сон Фармони¹¹⁹ билан тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат Дастурининг 32-позициясида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаларини амалга ошириш учун тўртинчи раунд натижалари бўйича Ўзбекистонга берилган тавсияларни таҳлил қилиниб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш асосида Масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган режанинг амалга оширилишини ҳар чорақда мониторинг қилиш, ИХТТнинг Истанбул ҳаракатлар режаси ялпи мажлисида Ўзбекистон вакиллариининг ҳисоботлар билан иштирок этишини таъминлаш, 2021-2022 йилларда бешинчи раунд мониторинги амалга оширилиши бўйича амалий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш устувор мақсадлар қаторида белгиланган.

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда, давлат бошқарув ва хужалик бошқарув органлари, давлат иштирокидаги ташкилот ёки муассасаларда фаолият олиб борувчи коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ҳар бир ходимнинг ваколатли органларга хабар бериши натижасида уларга нисбатан бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий таъқиблар ва репрессияларни олдини олиш қаторида ходимларнинг меҳнатга оид муносабатларда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш зарурати вужудга келади.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида ваколатли органларга ва масъул шахсларга хабар

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июльдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6257-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)

берган ходимларнинг ягона электрон реестри шакллантирилиб борилиши ҳамда иш берувчи ёки бошқа ходимлар томонидан хабар берган ходимларга нисбатан устама, рағбатлантиришларни камайтиришга, интизомий жазо чорасини қўллашга ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилишга Давлат хизматларини ривожлантириш Агентлигининг рухсати билан йўл қўйиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий, амалий-ташкилий ва миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар

Муайян икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасидаги муносабатлардан ҳар қайси томоннинг манфаатдорлигига асосланган ҳолатни юзага келтирувчи ҳуқуқбузарликлар (коррупция, манфаатлар тўқнашуви, умуман латент жиноятлар)ни аниқлаш, фош этиш қийин бўлганлиги сабабли, кўплаб мамлакатларнинг тарихидан коррупция, ўғирлик, фирибгарликни аниқлаш, схемаларни очиш оддий ёки йўлланган фуқароларга мурожаат қилишни тақозо этди.

Шу нуқтайи назардан келиб чиққан ҳолда, қулай хабар бериш тизимини йўлга қўйиш, ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берилгандан сўнг хабар берувчиларни ҳимоя қилиш, уларни рағбатлантириш, жамоатчилик, фаол фуқаролар қатламидан фойдаланиш эвазига коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар тўғрисида ишончли ва аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда диссертация иши доирасида қуйидаги атамаларга муаллифлик таърифи берилди:

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар – ички ва ташқи хабар бериш каналлари орқали коррупциявий фактлар тўғрисида маълумот берувчи жисмоний ва юридик шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг хизматчилари;
- коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахслар - тайёргарлик кўриляётган, содир этиляётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёхуд коррупцияга оид жиноятларни содир этганлиги учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон

- килинган шахсларни топишда ёрдам кўрсатишни кўллаб-қувватловчи оммавий ахборот воситалари, блоггерлар, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), парламент аъзолари (депутатлар, сенаторлар) ва бошқалар
- коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш сиёсати – корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида улар ходимлари учун вазифаларини бажариш давомида вужудга келувчи бошқарув, одоб-ахлоқ ва бошқа турдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар хусусида хабар бериш ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва хабар бериш шакллари ўзида акс эттирувчи дастур ҳисобланади;
 - алоқа каналлари – ноқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) тўғрисида тезкор ва ишончли хабар беришга хизмат қилувчи ички (бевосита ташкилотдаги ваколатли шахслар, комплаенс назорат хизмати, ички хавфсизлик хизмати ходимлари, раҳбарлар) ва инсоннинг бевосита субъектив таъсири минимал даражада чекланадиган ташқи хабар бериш майдони (ишонч телефонлари, расмий веб сайтлар, платформалар, телеграм каналлар ва ботлар);

II. Ташкилий-ҳуқуқий масалаларга оид хулосалар

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тўла таъминлашда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда вужудга келишини инобатга олган ҳолда, мазкур масалага 2 хил ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Давлат ва хусусий сектордаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тизимини мувофиқлаштириш, хабар берувчи шахсларнинг ҳимоя қилинишларини мониторинг қилиш мақсадида ягона платформа ишлаб чиқиши, бунда мазкур платформа юритилишининг асосий ижрочи органи сифатида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги белгиланиши мақсадида Агентлик таркиби 10 штат бирлигидан иборат “Коррупциявий фактлар тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқишини мониторинг қилиш”

бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш, хабар берувчи шахсларнинг шахсий, иқтисодий, ижтимоий ва меҳнатга оид ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланиши Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамкор ташкилотлар этиб белгиланса ва ушбу платформа Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 3 ой муддатда барча вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинадиган ягона майдонга айлантирилса, ушбу тизим самарали фаолият юритиши мумкин.

2. Хабар берувчи шахсларнинг шахсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва меҳнатга оид ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлайдиган, етарли ҳимоя чораларини жорий этадиган, ҳам давлат, ҳам хусусий секторда меҳнат фаолиятини олиб борадиган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари дахлсизлигини суғурталайдиган **“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни** лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ (Австралия, Канада, Франция, Ҳиндистон, Япония, Янги Зеландия, Жанубий Африка Республикаси, Буюк Британия ва АҚШ ҳуқуқий тизими асосида). Масалан, Австралия қонунчилик амалиётида Corporations Act 2001 қабул қилинган бўлиб, хабар берувчи шахслар мақоми, қонун асосида хабар берувчи шахс сифатида ҳимоя чораларидан фойдаланиш критериялари (сиз бунда ҳозирда ёки собиқ ошкор қилган ташкилот ёки компания ходими; компания директори ёки котиби; корхона ёки ташкилотга товар ва хизматлар етказиб берувчи пудратчи бўлиб, уларга пул тўланиши ёки тўланмаслиги бўлгани ҳолда волонтерларни ҳам ўз ичига олиши мумкин; ишончли бошқарувчи, сақловчи ёки инвестиция бошқарувчиси; юқорида кўрсатилган шахсларнинг турмуш ўртоқлари, яқин қариндошлари, уларнинг қонуний ҳуқуқлари алоҳида белгиланган). Бу қонунга зарурат сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг

4-раунд мониторинги ҳисоботларига асосан унинг 14.7-тавсиясида статистик маълумотларни юритиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларнинг шахсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва меҳнатга оид ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлайдиган, етарли ҳимоя чораларини жорий этадиган, ҳам давлат, ҳам хусусий секторда иш фаолиятини олиб борадиган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари дахлсизлигини суғурталайдиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилган.

III. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармонида Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш вазифаси қўйилганлигидан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган ва мазкур моддада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида берилган аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни ҳам алоҳида тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни тезкорлик билан тегишлилиги бўйича юбориш муддатини 3 кун этиб белгилаш, шунингдек агар дастлабки тергов давомида коррупциявий фактлар аниқланадиган бўлса, тегишлилиги бўйича масъул органга барча иш материалларини дарҳол юбориш мажбуриятини юклаш юзасидан қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасига кўра, жиноят ишини оммавий ахборот воситалари берган хабарлар асосида ҳам қўзғатиш шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунга кўра эса, оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шаклда ва турларда бўлиши талаб этилади. Лекин, жаҳон интернет тармоғи ривожланаётган вақтда кўплаб аудиторияни ўзига бириктирган норасмий ОАВлари, блоггерларнинг телеграм мессенжерларида, ижтимоий тармоқларида ёритилган коррупцияга оид фактлар кейинчалик ўрганилганда ўз исботини топмоқда.

Шу муносабат билан **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасининг 1-қисмини 6-банд** билан тўлдирган ҳолда жиноят иши қўзғатиш сабаблари ва асосларига норасмий оммавий ахборот воситалари, блоггерлар, мессенжер ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган хабарларни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3. Мазкур илмий тадқиқот доирасида хорижий мамлакатларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчиларга қулай хабар бериш тизимини йўлга қўйган давлатларда коррупцияни олдини олиш ва превентив механизмлар самараси ўлароқ коррупцион ҳолатларнинг анчагина минималлашганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, 2019 йилда Украина қонунчилигига коррупциявий фактлар хусусида хабар берувчи шахс сифатида “фош этувчи” тушунчаси киритилган бўлиб, муайян бир шахс коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида аноним шаклда коррупцияни олдини олиш миллий агентлиги ишонч телефони ёки мазкур органнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига тўғридан тўғри марожаат қилиши мумкин, Австралияда эса хабар берувчи шахс ўзининг даҳлсизлигига шубҳа қилаётган бўлса, ваколатли давлат органлари билан бир қаторда ҳуқуқбузарлик юз берган давлат ташкилотига ҳам аноним тарзда марожаат қилиш ҳуқуқи борлиги қайд этилган.

Мамлакатимизда ҳам коррупцияни тезкор равишда аниқлаш ва олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда ПФ-5729-сон Фармони билан 2019-2020 йилларда Коррупцияга қарши курашиш Давлат Дастури тасдиқланган ва мазкур дастурнинг

23-қисмида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида давлат органларига ахборот бериш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан:

фуқароларга коррупциявий фактлар тўғрисида давлат органларини хабардор қилиш имконини берувчи мобил ва бошқа иловаларни ишлаб чиқиш;

коррупцияга оид фактлар хусусида **аноним** хабарларни ўрганиш имкониятларини назарда тутувчи ташкилий чора-тадбирлар кўриш вазибалари белгиланган бўлса-да, мазкур топшириқлар тўлиқлигича бажарилмаган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг амал қилиш соҳасини нисбатан кенгайтирган ҳолда 5-моддага қўшимча равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг фақатгина коррупциявий ҳолатлар хусусида давлат органлари ҳамда ваколатли ташкилотларга аноним шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрь 829-сон Қарори билан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат коррупциявий фактлар тўғрисида хабар беришни тартибга солишга қаратилган махсус қонуности ҳужжат бўлиб, фақатгина коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун рағбатлантиришни қамраб олганлиги билан чекланади.

Бизга маълумки, коррупциявий хавфлар ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар нафақат давлат бошқарув органларида, балки хусусий сектор билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган давлат органларида ҳам содир этилади.

Яъни шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, давлатнинг ҳарбий ва махсус ички хавфсизлик сиёсатини амалга оширишга ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда ҳарбийлаштирилган ташкилотлардаги ҳужжатларнинг хизмат даврида фойдаланиш учунлиги ҳисобига ундаги маълумотлар омма учун нисбатан ёпиқ ҳисобланади. Бундан шу нарса англашиладики, мазкур тузилмалар ичида юз бераётган ёки юз бериши мумкин бўлган муайян коррупциявий жараёнлар фақатгина тизим ичида фаолият олиб бораётган ходим ва ҳарбий хизматчиларга маълум бўлади. Мазкур вазиятда агар тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчилар коррупцияга оид ҳолатлар ҳусусида хабар берган тақдирда ҳеч қандай жамоатчилик назорати ва ошкораликсиз ушбу ходимларнинг келгуси меҳнат фаолиятлари оёқости қилиниши, ишдан бўшатиш ва шахсий ҳаёт даҳлсизликларига жиддий хавф солишиниши ҳам ҳеч гап эмас.

Бу борада Босния ва Герцеговинада “whistleblower”ларни ҳимоя қилишга оид қонунларни ижобий тажриба сифатида алоҳида эътироф этиш мумкин. Чунки мазкур давлатнинг қонунчилик амалиётида коррупция тўғрисида хабар бериш пайтида расмий сирларни ошкор қиладиган давлат ходимларини ҳимоя қилиш тартиби, қонунинг амал қилиш доираси белгилаб қўйилган.

Юқоридаги давлат тажрибасидан намуна олган ҳолда, мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган махсус идораларда коррупцияни олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Мазкур Фармонда:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган махсус идораларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар беришнинг янги механизми ва каналларини жорий этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бевосита коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган давлат органлари устидан бевосита назоратни амалга оширувчи бошқа органларни белгилаш;

мазкур қонуннинг қўлланилиш доираси ва соҳасини аниқлаштириш акс эттилиши лозим.

Шунингдек, бевосита масъул мансабдор шахслар ва ваколатли ташкилотларда коррупциянинг мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, манфаатлар тўқнашуви, мансаб ваколатидан четга чиқиш каби турлари юзага келишини инобатга олган ҳолда улардаги ички хавфсизлик бўлимларига қўшимча равишда тузилмалардаги коррупциявий фактларни аниқлашни иккинчи (бетараф) тузилмага хабар бериш ёки аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш (яъни ДХХ, Мудофаа, Миллий гвардия тизимида содир бўлган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни Ҳарбий прокуратурага, Прокуратура ҳодимлари фаолиятида юзага келувчи мазкур ҳолатларни ДХХга, ИИБ ҳодимларини Прокуратурага занжир асосида бириктириш);

тизиим ичидаги ҳодим ва ҳарбий хизматчиларни ишончли ва асосланган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлиги суд ҳукми билан ўз исботини топган тақдирда рағбатлантириш;

тизимдаги ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг юридик ҳимоясини таъминлаш (лавозимини ошириш ва коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар берган давлат хизматчисининг шахсига доир маълумотлар тарқалиб кетиши натижасида мавжуд лавозимида меҳнат фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни вужудга келтирса, бир тузилмадан иккинчи тузилмага ротация қилиш);

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарларни ўрганувчи мансабдор шахс томонидан мазкур ахборот тавсилотларини ўрганиш давомида хабар берувчи шахснинг розилигисиз мазкур шахснинг идентификацион маълумотлари ошкор этилмаслиги, ҳолатлар ўз тасдиғини топмаган тақдирда (туҳмат ва ёлғон кўрсатма бериш бундан мустасно) хабар

берувчи шахсининг шахсига доир маълумотлар сир сақланиши назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрда “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги 829-сон Қарори билан тасдиқланган Низомга кўра коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-1, 193-1 ва 193-2-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қайд этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасида давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шартлиги белгиланган ва бу мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган бўлса-да, лекин коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бермаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарлик назарда тутилмаган. Бу ҳолат мазкур нормани амалиётда ишламаслигига ва бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий таъсир чораси қўлланилиши яна қайта содир этишга рағбат уйғотмоқда. Шу нуқтаи назардан мазкур тоифадаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган нормалар асосида кўрилган ишлар статистикасига назар ташлайдиган бўлсак, **2016 йил** ушбу Кодекс 193-1-моддаси билан 13 та иш (30 нафар шахсларга нисбатан), 193-2-моддаси бўйича 89 та иш (112 нафар шахсга нисбатан) кўрилган. **2017 йилда** эса 193-1-моддаси бўйича 19 та иш (19 нафар шахсларга нисбатан), 193-2-

моддаси бўйича 28 та иш (37 нафар шахсга нисбатан) кўрилган. **2018 йилда** эса 193-1-моддаси бўйича 33 нафар шахсларга нисбатан 31 та иш, 193-2-моддаси бўйича 78 нафар шахсга нисбатан 73 та кўрилган.

Германия, Озарбайжон, Литва, Қозоғистон, Белорусия, Украина каби давлатлар маъмурий қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур давлатлар Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунчилигида коррупциявий ҳолатларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган. Шу жиҳатдан коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни кучайтириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликларни чиқариб ташлаш ҳамда тўғридан тўғри жиноий жавобгарликни белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2021 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиш // 11.02.2020 йил [Электрон манба]. URL: <https://xs.uz/uzkr/post/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-hamda-zhamoatchilik-nazorati-tizimlari-takomillashtiriladi>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши // 01.07.2020. [Электрон манба]. URL: <https://uza.uz/uz/posts/prezident-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-masalasi-boyicha-videosелектор-yigilishi-otkazadi-263404>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиши // 07.05.2021 йил. [Электрон манба]. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/05/03/president/>
6. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг биринчи йиғилиши // 20.08.2020. [Электрон манба]. URL: <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-millij-kengashining-jigilishi-bolib-otdi>
7. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг навбатдаги йиғилиши. 05.04.2022. //

<https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/04/05/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-milliy-kengashining-navbatdagi-yigilishi-bolib-otdi-2>

II. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси <https://www.unodc.org/unodc/en/treaties/CAC/>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни//07.07.2008 йил, ЎРҚ-158-сон// (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)
3. Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions and related documents // [Электрон манба].URL:<https://www.oecd.org/corruption/oecdantibriberyconvention.htm>
4. Inter-american Convention against Corruption. Venezuela, on 29 March, 1996 // [Электрон манба].URL: <http://www.oas.org>.
5. African Union Convention on Preventing and Combating Corruption // [Электрон манба].URL: <http://www.au.int/sites>
6. The Criminal Law Convention on Corruption Strasbourg 27/01/1999 - Treaty open for signature by the member States and the non-member States which have participated in its elaboration and for accession by other non-member States and by the European Union// [Электрон манба].URL: <https://www.coe.int/en/web/impact-convention-human-rights/criminal-law-convention-on-corruption>
7. Civil Law Convention on Corruption - Explanatory Report - [1999] COETSER 2 (4 November 1999) // <http://www.worldlii.org/int/other/treaties/COETSER/1999/2.html#:~:text=The>

[%20Civil%20Law%20Convention%20aims,of%20obtaining%20compensation%20for%20damage.](#)

8. Committing to Effective Whistleblower Protection // [Электрон манба].URL: <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/>

9. The United Nations Convention against Transnational Organized Crime, adopted by General Assembly resolution 55/25 of 15 November 2000// [Электрон манба].URL: <https://www.unodc.org/unodc/en/organized-crime/intro/UNTOC.html>

10. Uzbekistan in the 4th monitoring round of the Istanbul Anti-Corruption Action Plan // [Электрон манба]. <http://www.oecd.org/corruption/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>

11. Whistleblower Protection Act 2010 // [Электрон манба].URL: <https://www.whistleblowers.org/faq/whistleblower-protection-act-faq/>

12. Dodd-Frank Wall Street Reform and Consumer Protection Act (2010) // [Электрон манба].URL: <https://www.cftc.gov/LawRegulation/DoddFrankAct/index.htm>

13. The Sarbanes-Oxley (SOX) Act of 2002 (The act took its name from its two sponsors—Sen. Paul S. Sarbanes (D-Md.) and Rep. Michael G. Oxley (R-Ohio) // <https://www.investopedia.com/terms/s/sarbanesoxleyact.asp>

14. Public Interest Disclosure Act 2013 // [Электрон манба].URL: <https://www.legislation.gov.au/Details/C2013A00133>

Ш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон)

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й)

3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 27.04.2021 й)

4. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон*)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон*)
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-369-сон Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 07/20/4761/1001-сон)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)

- 9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон)
- 10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон)
- 11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)
- 12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 07/21/5177/0644-сон)
- 13.** Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-34-сон Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.12.2021 й., 07/21/34/1140-сон)
- 14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240 сонли Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.05.2022 й., 07/22/240/0407-сон)

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.06.2021 й., 06/21/6247/0563-сон, 09.04.2022 й., 06/22/101/0288-сон)

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.06.2022 й., 06/22/154/0524-сон)

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.01.2022 й., 07/22/81/0017-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон)

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/322/0481-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 8 январьдаги

15-сон Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.01.2018 й., 09/18/15/0548-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон)

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 24 февральдаги 2-мх-сон буйруғи (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2021 й., 10/21/3287/0153-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/3287-1/0075-сон)

IV. Монография, илмий мақола, қўлланма ва тўпламлар:

1. Paul Latimer and A.J. Brown, Whistleblower Laws: International Best Practice (November 01, 2008). Monash U. Department of Business Law & Taxation Research Paper No. 1326766, p. 14. See Public Interest Disclosure Act 1994 (ACT)s 11; Public Service Act, RSO 1990, c P.147. s28.41; Whistleblower Protection Act 1994 (Qld)s 30; Whistleblower Protection Act 2001 (Vic)s. 103A.

2. Хрипченко С.Н. Анализ Федерально закона “О государственной защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства”, Вестник ОГУ 3’2005

3. Большаков А.П., Пупцева А.В., Проблемы реализации защиты прав свидетелей и потерпевших в уголовном судопроизводстве // Современные проблемы науки и образования. – 2014. № 5. URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=14523> (дата обращения: 06.05.2020).

4. D. Banisar, Whistleblowing: International Standards and Developments, (2009), https://www.researchgate.net/publication/228124587_Whistleblowing_International_Standards_and_Developments/link/551d1a510cf23e2801fe0197/download

5. Чивирев Иван Юрьевич CRIME.VL.RU. Коррупция в России и мире <https://cyberleninka.ru/search?q=%D0%A7%D0%B8%D0%B2%D0%B8%D1>

6. Сюзан Роуз Аккерман. Коррупция и государство: причины, следствия, реформы / Пер. С англ. О.А. Аляркин. – М., 2003 с 234.
7. Николайчик В.М. Правовое регулирование этики официальных лиц в США // США. Экономика. Политика. Идеология, - М., 1998. № 5. – С. 257.
8. Estanislao Oziwicz, “Polonium is Costly, Undetectable, Trillion Times More Toxic than Cyanide”, globeandmail.com, 2 December 2006 www.theglobendmail.com at 8 September 2008
9. William de Maria, “Whistleblower Protection: is Africa Ready? (2005) 25(3) Public Administration and Development 217, 224: “In countries experiencing human rights violations the more suitable strategies ma well be secret reporting, armed struggle, street protests and subversive action”.
10. Robin Van Den Hende, Jiang Yamong and SARS, in Calland and Dehn, Whistleblowing Around the World: Law Culture and Practice, ODAC and PCAW, 2004.
11. Natapoff, Snitching: The Institutional and Communal Consequences, 73 Cincinnati Law Rew. 645 (2004)
12. Graycar, Adam and Prenzler, Tim. *Understanding and Preventing Corruption*. Basingstoke: Palgrave Macmillan, 2013. doi: 10.1057/9781137335098
13. J. Randy Beck, The False Claims Act and the English Eradication of Qui Tam Legislation, 78 North Carolina Law Review 539 (March 2000)
14. Janet Near and Marcia Miceli, “Organisational Dissidence: The Case of Whistleblowing “ (1985) 4 Journal of Business Ethics 1, 4; adopted by, eg, Brown, Whistleblowing in the Australian Public Sector, above n 1, 3; Marcia Miceli and Janet Near, Blowing the Whistle: the Organisational and Legal Implications for Companies and Employees (1992)
15. Richard Calland and Guy Dehn, “Introduction – Whistleblowing Around the World: the State of the Art”, in Richard Galland and Guy Dehn (eds)

Whistleblowing Around the World: Law, Culture & Practice(2004) 9, see also, Bjorn Rohde-Liebenau, Whistleblowing Rules: Best Practice; Assesment and Revision of Rules Existing in EU Institutions (2006) European Parliament.

V.Фойдаланилган бошқа адабиётлар:

1. Б.И.Исмаилов. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва халқаро стандартлар тизими шаклланиши. // Ўқув қўлланма. – Т..Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2019
2. Қобилов Ш.Р. Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атвори шакллантириш: Дарслик / масъул муҳаррир Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 352 б
3. А.Б.Ҳикматов, И.Р.Астанов, А.А.Абдулахатов. Дастлабки терговнинг процессуал ва тактик асослари [Матн]: услубий қўлланма/ - Тошкент: “Саҳҳоф” нашриёти, 2021. 128 бет.
4. Умаров У.А. коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жамият тараққиётинг – кафолати. Ўзбекистон Нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини тизимли ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш” Комиссияси, 2019 йил, 85 бет

VI. Интернет манбалари

1. <https://lex.uz/uz/>
2. <https://www.norma.uz/>
3. <https://anticorruption.uz/uz/item/what-is-corruption>
4. <https://www.transparency.org/en/cpi/2021/index/uzb>
5. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/11172/408550/WhistleblPSOissue1501PUBLIC1.pdf?sequence=1&isAllowed=y>

6. http://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring_Report-2019-RUS.pdf
7. <https://m.kun.uz/uz/news/2021/01/08/korrupsiya-haqida-xabar-berganlarni-ragbatlantirish-uchun-yiliga-500-mln-somgacha-mablag-ajratilishi-kutilmoqda>
8. <https://advice.uz/oz/document/2325>
9. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/12/25/anticorruption/>
10. <https://xs.uz/uzkr>
11. <https://www.japaneselawtranslation.go.jp/en/laws/view/3362/en>
12. <https://legislationline.org/taxonomy/term/20801>
13. <https://cms.law/en/int/expert-guides/whistleblower-protection-and-reporting-channels/serbia>
14. <https://www.whistleblowers.org/the-importance-of-rewards/#:~:text=The%20presence%20of%20reward%20laws,fraud%20to%20the%20appropriate%20authorities.>
15. <http://www.oecd.org>.
16. <http://www.unodc.org/>

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

1-модда. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон,

30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон,
19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон,
24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон;
10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й.,
2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й.,
03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й.,
03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й.,
03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й.,
03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й.,
03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й.,
03/19/587/4122-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й.,
03/20/613/0362-сон, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон, 01.12.2020 й.,
03/20/651/1577-сон; 26.12.2020 й., 03/20/658/1670-сон; 13.01.2021 й.,
03/21/664/0014-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; 15.01.2021 й.,
03/21/667/0035-сон; 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й.,
03/21/675/0126-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й.,
03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й.,
03/21/711/0825-сон; 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон, 30.10.2021 й.,
03/21/726/1001-сон, 07.12.2021 й., 03/21/735/1141-сон; 16.02.2022 й.,
03/22/754/0134-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон, 12.04.2022 й.,
03/22/762/0290-сон) 322-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жиноят ишени кўзғатиш учун:

- 1) шахсларнинг аризалари;
- 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
- 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши;
- 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади;

б) норасмий оммавий ахборот воситалари, блоггерлар, ижтимоий тармоқ мессенжерлари ва бошқа ахборот берувчи платформалар орқали тарқатилган ишончли ва асосли хабарлар.

Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини кўзғатиш учун асос бўлади”.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда, 12-сон, 269-модда; 1996 й., 5-6-сон, 69-модда, 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 4-5-сон, 126-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда, 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165, 182-моддалар; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 5-сон, 67-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 37-сон, 408-модда, 51-сон, 514-модда; 2005 й., 37-38-сон, 280-модда, 51-сон, 374-модда, 52-сон, 384, 385-моддалар; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 39-сон, 385-модда, 41-сон, 405-модда, 51-52-сон, 498, 501-моддалар; 2007 й., 14-сон, 134, 134-моддалар, 15-сон, 154-модда, 17-18-сон, 170-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 400-модда, 50-51-сон, 504, 512-моддалар, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 88-модда, 16-сон, 117-модда, 17-сон, 129-модда, 37-38-сон, 367-модда, 39-сон, 391-модда, 52-сон, 513, 514-моддалар; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 41-сон, 439-модда, 50-51-сон, 529-модда, 52-сон, 551, 553, 555, 557-моддалар; 2010 й., 20-сон, 146-модда, 21-сон, 161-модда, 22-сон, 174-модда, 37-сон, 313, 317-моддалар, 38-сон, 329-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 479, 484, 485-моддалар; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 16-сон, 162-модда, 17-сон, 168-модда, 36-сон, 365-

модда, 40-сон, 410-модда, 52-сон, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 3(Г)-сон, 32-модда, 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 16-сон, 265-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон, 10.2018 й., 03/18/495/2029-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.05.2019 й., 03/19/543/3201-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 31.08.2019 й., 03/19/560/3677-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон, 01.11.2019 й., 03/19/577/3975-сон, 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон; 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, 22.07.2020 й., 03/20/629/1087-сон, 28.09.2020 й., 03/20/638/1333-сон, 30.09.2020 й., 03/20/639/1342-сон; 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон, 27.10.2020 й., 03/20/643/1410-сон, 06.11.2020 й., 03/20/645/1469-сон; 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон, 26.12.2020 й.,

03/20/658/1670-сон; 31.12.2020 й., 03/20/660/1682-сон; 13.01.2021 й.,
03/21/665/0015-сон, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон, 15.01.2021 й.,
03/21/667/0035-сон, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон, 30.03.2021 й.,
03/21/679/0256-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й.,
03/21/683/0375-сон; 27.04.2021 й., 03/21/685/0373-сон; 29.04.2021 й.,
03/21/688/0394-сон; 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон; 24.08.2021 й.,
03/21/710/0815-сон; 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон; 17.09.2021 й.,
03/21/716/0877-сон; 05.10.2021 й., 03/21/719/0929-сон; 05.10.2021 й.,
03/21/720/0930-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 30.10.2021 й.,
03/21/726/1001-сон; 01.12.2021 й., 03/21/734/1113-сон; 11.01.2022 й.,
03/22/743/0010-сон; 12.01.2022 й., 03/22/744/0011-сон; 16.02.2022 й.,
03/22/753/0133-сон; 16.02.2022 й., 03/22/754/0134-сон, 12.03.2022 й.,
03/22/758/0207-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон; 12.04.2022 й.,
03/22/762/0290-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон) **61-1, 193-1 ва 193-2-
моддалари** ўз кучини ёқотган деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон) 24-1-моддаси билан тўлдирилсин:

“Фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги ёки коррупцияга оид жиноятларни содир этганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон қилинган шахсларни топишда ёрдам кўрсатганлиги, коррупцияга оид жиноятларни

тергов қилиш ва уни фoш этишда аҳамиятга эга далиллар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берганлиги ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёҳуд тезкор қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашганлиги қонун ҳужжатларида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади”.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон) 5-моддаси қуйидаги шаклда баён этилсин:

“Мурожаатлар оғзаки, ёзма, электрон ёҳуд **аноним** шаклда бўлиши мумкин”.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқдаштирсин; давлат бошқарув органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.


Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. Мирзиёев


**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши магистратура тингловчиси
Мамасидиқов Ахрорбек Шерали ўғлининг магистрлик диссертацияси
мавзуси доирасида ўтказган**

ИЖТИМОЙ СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ


1. Фаолият соҳангиз...




2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқий мақоми ва ҳимояси тўлиқ таъминланган деб ҳисоблайсизми?




3. Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларни тезкорлик билан аниқлашда, шунингдек таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишда коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берувчи шахсларнинг жамиятда тутган ўрни қай даражада муҳим деб ҳисоблайсиз?



4. Миллий қонунчиликда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларининг реал ҳуқуқий ҳимояси тўлиқ таъминлашга қаратилган қоидалар ва механизмлар белгиланганми?




5. Сизнинг фикрингизча, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларга (whistleblower) жиноят процессида гувоҳ сифатида қаралаш тўғрими? Уларнинг ҳуқуқий статуси бир хилми?



6. Ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларга нисбатан қонунчиликда моддий рағбатлантириш тизимининг акс этиши қанчалик тўғри деб ҳисоблайсиз?




7. Аксарият хорижий мамлакатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошларининг хабар беришдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хабар беришнинг аниқ таърифи, уларни рағбатлантириш ва ҳуқуқларининг механизмини аниқ тартибга солишга қаратилган махсус қонунлар мавжуд. Бизнинг юртимизда ҳам ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берувчи шахслар тўғрисида махсус қонун қабул қилинишига қандай қарайсиз?



8. Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоатчилик назоратини таъминлашда ҳар бир давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилотларда қулай хабар бериш каналлари, махсус ишчи ходимлар (ишонч телефонлари, махсус ботлар ва интернет саҳифалари, алоҳида платформалар) жорий этиш мақсадга мувофиқми?



9. Муайян бир ходим меҳнат фаолиятини олиб борадиган ташкилотда юзага келган ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган тақдирда, мазкур ходимга нисбатан раҳбарият ва бошқа ходимлар томонидан салбий муносабат билдириладими?



10. Коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганмисиз?

